БАҲОР ГУЛЛАРИ — В. Салов фотоэтюди.

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТЛАРИ, ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 47 (2338), | 8 март, жума, 1963 йил. | Баҳоси 2 тийин.

БУГУН ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ — 8-МАРТ

Байрамингиз муборак бўлсин, меҳрибон оналар, азиз опа-сингиллар!

СОВЕТ ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА

Халқаро хотин-қизлар куни — 8-март муносабати билан КПСС Марказий Комитетининг Мурожаати

Қадрдон хотин-қиз ўртоқлар!

Совет халқининг шонли қизлари!

Оналаримиз, дўстларимиз ва опа-сингилларимиз!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети Халқаро хотин-қизлар куни, бутун дунёдаги меҳнаткаш хотин-қизларнинг ҳалқлар озодлиги, тенг ҳуқуқлилиги, тинчлиги, дўстлиги ва бахт-саодати учун курашда бирлик ва бирдамлик куни — 8 март билан сизларни қизғин қутлайди ва чин юракдан табриклайди.

Саккизинчи мартни умумҳалқ байрами сифатида кутиб олиш мамлакатимизда традиция бўлиб қолди. Совет халқи бу шонли кунни ишлаб чиқаришдаги ғайрати ва сиёсий активлиги тобора юксалаётган бир вазиятда нишонламоқда. Шаҳар ва қишлоқда коммунистик қурилишнинг буюк программасини амалга ошираётган эркаклар ва хотин-қизларнинг меҳнатдаги зафарлари тўғрисида улуғ Ватанимизнинг ҳамма томонларидан янги-янги хушхабарлар келмоқда. Совет халқи КПСС XXII съезди қарорларини ўзининг жонажон иши, ўз ҳаётининг мақсади, деб қабул қилди.

Кундалик қилинаётган меҳнатда буюк ишлар амалга оширилмоқда: коммунизмнинг моддий-техника базаси яратилмоқда, коммунистик ижтимоий муносабатлар шаклланмоқда, янги инсон тарбияланмоқда.

Совет хотин-қизлари коммунистик қурилиш ишига катта ҳисса қўшиб келмоқдалар. Улар давлатни бошқаришда, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида актив қатнашмоқдалар, халқ хўжалигида, илм-фан, маданият, маориф ва ёш авлодни тарбиялаш соҳасида ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар. Совет хотин-қизлари ўз ижодий ғайратларини Ватан бахт-саодатига сарфлаш билан ҳар тарафлама юксалмоқдалар, ғоявий жиҳатдан ўсмоқдалар, маънавий камол топмоқдалар.

Социализм дунёсида хотин-қизлар билан эркакларнинг ҳуқуқий тенгсизлигига ўрин йўқ. Улуғ Октябрь социалистик революцияси хотин-қизларни эзишнинг социал илдизларини қўпориб ташлади, ўз кобилиятлари ва истеъдодларини ривожлантирмоқлари, сермазмун порлоқ турмуш кечирмоқлари учун хотин-қизларга чексиз имкониятлар берди, бутун дунёга хотин-қизлар масаласини ҳал қилиш намунасини кўрсатди.

Коммунистик партия коммунизм учун онгли равишда курашаётган хотин-қизлар авлодини тарбиялаб етиштирди.

Социалистик Ватанимиз эришган ҳамма ютуқларда, мамлакатимизнинг қайнок ҳаётида хотин-қизларнинг серзавқ меҳнати кўриниб туради. Мана шу рақамларнинг маъзини бир чақиб кўринг, ўртоқлар: ишчи ва хизматчиларнинг 48 проценти, қишлоқ меҳнаткашларининг ярмидан кўпроғи хотин-қизлардир. Совет хотин-қизлари умумхалқ ишига жуда катта ҳисса қўшаётганликларини англаб, юксак ифтиҳор ва бахтиёрлик ҳиссига тўлиб-тошмоқдалар.

Жамият фойдасига, коммунизм йўлида қилинаётган меҳнат — хотин-қизлар учун шодлик ва илҳом манбаи, уларнинг маънавий кобилиятларини яшнатиш негизидир. Олий ва ўрта махсус маълумотга эга бўлган мутахассис хотин-қизлардан қариб олти миллион киши халқ хўжалигида ишлаб турибди. Врачларнинг 74 проценти ва ўқитувчиларнинг 70 проценти — хотин-қизлардир. Совет Иттифоқида хотин-қизлардан 31 мингдан кўпроқ киши профессор, фанлар доктори ёки кандидатидир.

Владимир Ильич Ленин ҳар бир хотин-қиз давлат ишларини бошқаришда иштирок этишини орзу қилган эди. Ҳозир биз қишлоқ Советидан тортиб СССР Олий Советигача давлат ҳокимиятининг ҳамма органларида совет хотин-қизларини кўрамиз. Капиталистик мамлакатлардаги ҳамма парламентларни бирга қўшиб олганда улардагидан анча кўпроқ — 390 хотин-қиз СССР Олий Советининг депутати эканлигини айтиш кифоядир. Юз мингларча хотин-қизлар меҳнаткашлар депутатларининг маҳаллий Советларига сайлаб қўйилган. Миллион-миллион меҳнаткаш аёллар партия, касаба союз, кооператив, комсомол ташкилотларида, оммавий кўнгилли союзлар ва жамиятларда актив ишлаб келишмоқда.

Буларнинг ҳаммаси — коммунизм қурилиши кенг авж олдирилган даврда хотин-қизларнинг ўсиб, юксакликка кўтарилганлигини кўрсатувчи ажойиб манзарадир!

Совет хотин-қизлари ижтимоий меҳнатда қатнашмасдан ҳаёт кечириш мумкинлигини тасаввур қила олмайди. Ватан эса шонли ватанпарвар аёлларнинг хизматини муносиб даражада тақдирламоқда. Бир миллиондан кўпроқ хотин-қиз орден ва медаллар билан мукофотланди, 76 киши Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонини олишга сазовор бўлди, 2 879 киши Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонини олди, шулардан 24 киши иккинчи «Ўроқ ва болға» олтин медали билан мукофотланди.

Коммунистик партия, Совет ҳукумати хотин-қизларга доимо меҳрибонлик ва ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. Сўнгги олти йилнинг ўзидаёқ мамлакатимиз аҳолисининг учдан бир қисми янги шинам квартираларга кўчиб кирди ҳамда ўзининг уй-жой шароитларини яхшилаб олди. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш учун махсус мўлжалланган шунча миқдордаги муассаса жаҳоннинг ҳеч бир мамлакатида йўқ. Бизнинг мамлакатимизда олти миллион гўдак болалар боғчалари ва яслиларида боқилмоқда. Ҳозир икки миллиондан кўпроқ бола мактаб-интернатлар, куни узайтирилган мактаб ва группаларда тарбияланмоқда. Кўп болалик оналар орден ва медаллар билан мукофотланмоқда, давлатдан нафақа олмоқда. Миллион-миллион аёллар «Оналик шуҳрати» орденлари ва «Оналик медаллари» билан мукофотланди; 73 минг аёлга «Қаҳрамон она» деган фахрли унвон берилди.

Халқимиз коммунистик жамият қурилишини муваффақият билан амалга оширабориб, бутун жаҳонга инсоннинг ўсиб бораётган моддий ва маданий талабларини тобора тўлароқ қондириш намунасини кўрсатмоқда. Эзгу мақсад — коммунизмга яқинлашганимиз сайин хотин-қизларнинг турмуши тағин ҳам яхшиланиб бораверади, уларнинг маънавий, ахлоқий ва жисмоний латофати тағин ҳам кўп қирралироқ бўлиб очила-беради.

КПСС Программасида аёлларнинг турмушдаги нотенг мавқеининг қолдиқларини йўқотиш, уларни рўзгор машаққатларидан халос қилиш вазифаси қўйилган. Аёлларни бошни гангитувчи ва хўрловчи ошхонага қарамликдан озод қилиш зарурлиги тўғрисида Программада баён қилинган қондалар ва Ленин кўрсатмаси партия, жамоат ташкилотлари ҳамда давлат органлари зиммасига кўпгина вазифалар юклайди. Уларнинг бурчи — оналаримизнинг ва рўзғор ишлари билан шуғулланувчи аёлларимизнинг меҳнатини тағин ҳам кўпроқ даражада енгиллаштириш чорасини кўришдан иборат. Етти йиллик планда ошхоналар ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналари, болалар боғчалари ва яслилари сонини анча кўпайтириш кўзда тутилган. Ана шу муассасаларни қуриш планлари ўз вақтида бажарилишига эришмоқ керак. Мактабларга, клубларга, мактабгача болалар муассасаларига ёрдам бериш юзасидан жамоатчилик ҳаракатини ташкил қилиш, савдо шохобчаси, кирхоналар, ошхоналар, ҳар хил устахоналарнинг иши устидан контролни тартибли йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эга.

КПСС Марказий Комитети умид қиладики, сезгир ва сергайрат хотин-қизларимиз ҳам маиший хизмат кўрсатувчи ҳамма соҳаларнинг пухта ишлашини тартибли йўлга қўйишда актив қатнашадилар.

КПСС Марказий Комитети партия, касаба союз ташкилотларини, корхона, завод, қурилиш, муассаса, колхоз ва совхозларнинг раҳбарларини хотин-қизларни раҳбарлик ишига кўтаришга эътиборни бўшаштирмасликка чақиради. Хотин-қизлар билан эркаклар ҳуқуқий мавқеининг тенглиги ишчи ва колхозчи аёлларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилишни хўжалик раҳбарлари ва партия ташкилотларининг зиммасидан соқит этмайди, аёлларга енгилроқ ва айни маҳалда дурустроқ ҳақ тўланадиган иш бериш заруратини йўққа чиқармайди. Ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш, қурилишни индустриалаштириш, деҳқончилик ва чорвачиликда янги машиналардан кенг фойдаланиш ана шу вазифани муваффақиятли амалга ошириш имконини беради.

Коммунизм қурувчиси аҳлоқ кодексининг принципларини ҳаётимизда тобора кўпроқ қарор топмоқда. Лекин баъзи бир жойларда эскилик сарқитлари ҳали ҳам кучли бўлиб, айрим эркаклар аёлларга бой-феодалларча ҳурматсизлик билан қараш ҳолларига йўл қўйиб келмоқдалар. Партия ташкилотлари ва давлат органлари хотин-қизларнинг иззат-нафсини ҳақоратлашга, аёлларнинг оналик бурчларини ҳурматсизлашга, уларнинг ўқишга, ижтимоий фаолиятда қатнашишга бўлган интилишларини чеклаб қўйишга доир ҳар бир ходисага муросасизлик билан қарамоқлари керак.

Марказий Комитет оналарга мурожаат қилади. Сиз ўстираётган болалар коммунистик жамиятда яшайди. Ўз ўғилларингиз ва қизларингизни коммунизм ишига садоқатли, софдил, онгли, меҳнатсевар гражданлар, улуғ социалистик Ватанимизнинг оташин ватанпарварлари қилиб тарбиялангиз.

Коммунистик қурилиш вазифаларини муваффақиятли ҳал қилишимиз учун бизга тинчлик керак. Империалистларга уруш бошлаб юбориш имконини бермаслик учун Совет ҳукумати бутун куч-ғайратини сарфламоқда. КПСС Марказий Комитети совет хотин-қизлари тинчлик учун курашнинг олдинги сафида бораётганликларини зўр мамнуният билан таъкидлаб ўтади. Улар Совет ҳукумати ўтказиб келаётган ва барча халқларнинг дўстлик ва ҳамкорлик билан тинч-тотув яшашидан иборат ленинчи сиёсатни қизғин қувватламоқдалар.

Бироқ, бизнинг ҳамма куч-ғайратларимизга қарамай, империалистик давлатлар қуролсизланиш тўғрисида бир битимга келишга ҳар йўл билан тўсқинлик қилмоқдалар, зўр бериб қуролланишга давом эттирмоқдалар. Бу эса, совет кишилари зиммасига хушёр бўлиб туриш ҳамда Совет давлатининг мудофаа қудратини мустаҳкамлаш учун ҳамма чораларни кўриш вазифасини юклайди. Тинчлик душманлари улуғ Ватан уруши сабоқларини ёдларидан чиқармасинлар, қаҳрамон совет халқи бу урушда гитлерчи босқинчиларни тор-мор келтирган ва ер билан яксон қилган эди. Уша вақтда шонли совет хотин-қизлари ўз эрлари ва ака-укалари билан биргаликда фидокорона жанг қилган эдилар. Тинчлик ишини қаттиқ туриб ҳимоя қилган совет хотин-қизлари ўз ватанпарварлик бурчларини адо этишга ҳозир ҳам тайёрдирлар.

Интернационализм принципларига содиқ совет хотин-қизлари эксплуатация ва зулмдан халос бўлган янги ҳаётни барпо қилаётган, социализм йўлидан бораётган чет эллик опа-сингиллари билан бирдамликларини намойиш қилмоқдалар. Улар миллий мустақиллик учун курашаётган Осиё, Африка ва Латин Америкасидаги халқларнинг ҳар бир ютуғига қувонмоқдалар ҳамда мустамлакачилик қолдиқлари ер юзидан узил-кесил супуриб ташланадиган кун яқин қолганлигини билиб гурибдилар. Совет хотин-қизлари ер юзидаги меҳнаткашларнинг умумий куч-ғайратлари билан барча халқлар учун Тинчлик, Меҳнат, Озодлик, Тенглик, Қардошлик ва Бахт-Саодат барқарор қилинишига қаттиқ ишонадилар.

Хотин-қизлар Халқаро демократик федерациясининг Ватанимиз пойтахти — барча халқлар учун тинчлик, дўстлик ва социал тараққиёт символи бўлиб қолган Москвада 1963 йил июнь ойида хотин-қизларнинг Жаҳон конгрессини ўтказиш ҳақидаги қарорини совет хотин-қизлари зўр шараф деб билмоқдалар.

Қадрдон дугоналаримиз!

КПСС Марказий Комитети сизларни Халқаро хотин-қизлар куни билан табриклаб, ишонч билдирадики, сизлар бундан буён ҳам коммунизм қурувчиларнинг олдинги сафларида борасиз, коммунистчасига ишлаш ва яшашни сабот-матонат билан ўрганасиз.

Яшасин Халқаро хотин-қизлар куни — 8 март!

Яшасин бутун дунёдаги меҳнаткаш хотин-қизлар!

Коммунистик жамиятнинг толмас қурувчилари совет хотин-қизларига шон ва шарафлар!

Яшасин совет халқининг синалган йўлбошчиси, инсон бахт-саодати тантанаси учун курашчилар авангарди — Коммунистик партия!

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

ДОКЛАДЛАР, ЛЕКЦИЯЛАР, СУҲБАТЛАР

Ўзбекистон пойтахти жамоатчилиги Халқаро хотин-қизлар куни 8-мартни кенг нишонламоқда. Шаҳарнинг саноат корхоналари, муассасалари ва ўқув юртларидаги тантанали йиғилишлар совет хотин-қизларини партия XXII съезди ва КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленуми белгилаб берган коммунистик қурилишнинг улуғвор вазифаларини амалга оширишга актив сафарбар этиш белгиси остида ўтмоқда. Маданият саройларида, ишчилар клубларида ва қизил бурчакларда совет хотин-қизларининг қаҳрамонона меҳнатини акс эттирувчи виставкалар ташкил этилган.

Тантанали йиғилишларда Ўзбекистоннинг донгдор хотин-қизлари — партия, совет ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, ишлаб чиқариш илғорлари, фан ва маданият арбоблари докладлар қилмоқдалар. Тошкент тўқимачилик комбинати хотин-қизларининг йиғилиши ғоят баланд руҳ билан ўтди. Йиғилишда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ё. С. Насриддинова доклад қилди. (ЎзТАГ).

БАЙРАМ ТОНГИ

Шоиралар куйлайди

Қаранг, байрам тонгги нақадар гўзал,
Табиат ҳуснига ҳусн қўшибди,
Бу тонг ҳар тонгдан ҳам кўринар афзал,
Дилларнинг қувончи қайнаб жўшибди.
Лабдаги табассум — севинчнинг акси,
Ана йиғлаяпти гўдак, чақалоқ,
Йўқ, бу йиғи эмас, унинг кулгуси,
Шу тонгда туғилди жажжи қизалоқ.
Айёмда туғилди — қадами қутлуғ,
Севинчдан кўзига ёш олди она.
Эл олдида унинг ҳурмати улуғ,
Ҳаёт дарёсига қўшди дурдона.
Бағрига босаркан дилбандин аста,
Нега севинмасин, нега кулмасин,
Ёри табрикларкан тутиб гулдаста,
Дейдики: «Гулимиз асло сўлмасин».
Табриклаб дўстлари кирар хонага,
Тўй устига тўй-ю, нур устига нур.
Истиқболи порлоқ бу ёш онага,
Бу тонг ҳар тонгдан ҳам гўзал кўринур.

Нилуфар ҲОЛХЎЖАЕВА.

НАВБАҲОР

Баралла янграгиб шўх қўшиқларинг,
Ўлкамга келибсан фусункор кўклам.
Қуёшинг жилваси мавж уриб юртда,
Далалар, шаҳарлар, адирлар кўркам.
Ўлкамнинг қўли гул йигит-қизлари,
Навбаҳор, йўлингга чиқишди пешвоз.
Дўстлар, қалбимиздан меҳримиз тошиб,
Бўлайлик уларга биз ҳам жўр овоз.
Баҳор, сойларингга чўмиб юз ювган
Чаманзор боғларинг қучоғини оч,
Кўркам далаларга гул тақиб, яшнаб,
Сахий қучоғига гул файзингни соч!

Зулфия МИРПЎЛАТОВА.

НОДИРА

Сиёҳ қилиб қонли ёшларинг,
Қалам қилиб изтироблaринг,
Шеърга солдинг ўкинч,
доғларинг,
Ва зулматга исён бошладинг.
Сен яшаган дўзах замонда
Қизлар хўрлик учун яралди,
Сийналарга ханжар қадалди
Фиғон эди ерда, самода.
«Фиғонким, гардиши даврон
Аюрди шаҳсуворимдан,
Ғамим кўп, эй кўнгил сен
Бехабарсан ҳоли зоримдан».
Ғазалларинг ўқиганимда
Юрагимни ўртайди тиғсиз.
«Момо гусею набурида»,
Умринг ўтди зулматда нурсиз.
Замон ўтди, замонлар ўтди...
Хўрлик вайрон этилди бутунул.
Қизлар ғамни мангу унутди,
Кўз ёшларни қуритди кулгу.
Фиғон эмас, жаранглар ханда,
Бахт қушиғи ерда, самода.
Сен надомат чеккан ватанда
Бахт қушиғи меҳнат сафода.
Ленин сени ёдлаймиз мудом
Шеърлар бахси қизиган чоғда.
Ғазалларинг оқшом, субҳидам
Ёд ўкишар йигит-қиз боғда.
Сен яшайсан, оташ ишқ бўлиб
Озод Ватан, қайноқ дилларда.
Сен яшайсан эзгу ўйларда,
Энг муҳтарам бир инсон бўлиб.

Эътибор ОХУНОВА.

1963 йил.

ДУГОНАЛАР

Нур таратар Ленин қуёши,
Ол байроқлар лоладай ёнар.
Зафар қучиб, довонлар ошиб,
Дугоналар кенг сафда борар.
Пахтакору бинокор шулар.
Инженеру муаллим, врач.
Чеҳрасида истиқбол кулар,
Ҳар ишидан юрт топар ривож.
Улар мудом ёритар кундек
Ғалабалар саҳифасини,
Дилларида кўз қорасидек
Сақлар Ленин хотирасини.

Анна БЕГЛЯРОВА
шахсий пенсионер.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ОЛТИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

Олтинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессияси 1963 йил 22 мартда Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Ё. НАСРИДДИНОВА.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Р. САХИБОЕВ.

1963 йил 6 март, Тошкент шаҳри.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДАН

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Олий Совети депутати, меҳнаткашлар депутатлари Москва шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси ўртоқ Николай Александрович **Дигайнинг** узоқ давом этган оғир касалликдан сўнг 1963 йил 6 мартда вафот этганлигини чуқур қайғу билан хабар қиладилар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ | **СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ.**

КОММУНИЗМНИНГ ЖОНКУЯР ҚУРУВЧИЛАРИ

ҚУВОНЧИМИЗ ҚЎПАЙСИН

Октябрь революцияси хотин-қизларимизга ҳақиқий эрк берди. Хотин-қизлар билим олишда, меҳнат қилишда эркаклар билан тенг ҳуқуққа эга бўлдилар. Буни областимиз мисолида яққол кўриш мумкин. Область саноат корхоналарида ишлаётган хотин-қизларимизнинг сони кундан-кун кўпаймоқда. Улар нормаларини ошириб бажармоқдалар. Техника прогресси учун курашиб, рационализаторлик таклифларини ишлаб чиқаришга кенг жорий қилишга муносиб ҳисса қўшаётирлар. Ҳозир 80 мингдан ортиқ аёл қишлоқ хўжалик ишларида фаол қатнашиб, халқимизнинг ишонч ва ҳурматига сазовор бўлмоқдалар.

Янгийўллик оддий колхозчи Турсуной Раимова шундай аёлларимизнинг биридир. Аввал у ғўзани кетмонда ишлади, ҳосилни қўлда терди, ўқиди-ўрганди, техникага меҳр қўйди. Тракторчилик касбини эгаллади. Бу чакки бўлмади. Ишига барака кирди. ХВС-1,2 пахта териш машинаси билан мавсумда 162 тоннадан ошириб пахта терди. Охунбобоев номли колхоз аъзолари моҳир механизатор, янгилик тарафдори Турсуной Раимовани республикамиз Олий Советига депутат қилиб сайладилар. Бундай ватанпарвар колхозчилар Янгийўлнинг ҳарбир колхоз ва совхозида бор.

Юқоричирчиқлик бригада бошлиғи Ҳаво Дебердиеванинг иши тилларда достон бўлди. У «III-Интернационал» колхозида 95 гектар ерга чигитни тор қаторлаб экиб, уни меҳр билан парвариш қилди. Ўзи раҳбарлик қилган бригада хотин-қизларининг ғайратига-ғайрат қўшди ва уларнинг бутун эътиборини мўл ҳосил етиштиришга сафарбар қила билди. Бригада ҳар гектар ердан 36 центнерга етказиб «оқ олтин» кўтарди.

Калинин ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли «Правда» колхозининг Тўхта Отабоева бошлиқ бригадаси хотин-қизлари ҳам меҳнатда шундай юқори кўрсаткичларга эришдилар.

Областимизда машҳур механизатор Турсуной Охунованинг ибрат олиб, трактор ҳайдашни ўрганган хотин-қизларимиз борган сари кўпайиб бормоқда. Айниқса сўнгги икки йил ичида бу соҳада катта ишлар қилинди. 265 қизжувон механик-хайдовчилик касбини ўрганиб олди.

Юқори Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли «Политотдел» колхозининг аъзоси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Олий Советининг депутати Любовь Ли, «Ленинский путь» колхозининг аъзоси Вера Де, Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли Калинин номли колхозининг аъзоси Роза Отабоеваларнинг маккажўхори кўкпоясидан мўл ҳосил етиштириш йўлидаги ишлари ҳаммани қойил қолдирди. Улар ҳар гектар ердан 1670—1979 центнердан кўкпоя ҳосили олишга муваффақ бўлаётирлар.

Бундан беш йил илгари Миновар Исҳоқова 10 синфни муваффақиятли тамомлаб, Калинин ишлаб чиқарчш бошқармасига қарашли «Ўзбекистон» колхозига ишга кирди. Сут соғувчилик билан шуғуллана бошлади. Бу соҳада тажрибали чорвадорлар ишларини ўрганди. Натижада сигирлар сути кескин равишда кўпайди. Энди у ҳарбир соғин сигирдан 3 минг литрдан ошириб сут соғиб олаётир.

Областимизнинг бир қатор хўжаликларида колхозчи хотин-қизларни ўқитиш, тарбиялаш, айниқса раҳбарлик ўринларига кўтаришда жиддий камчиликлар бор. Айниқса Бўка, Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармаларидаги хўжаликларда ана шундай фактлар мавжуд.

Бу ердаги кўп колхозларда хотин-қизлардан бригадирлик вазифаларига кам кўтарилмоқда. Табелчи хотин-қизлар деярлик йўқ. Бу шуни кўрсатадики, кўпчилик бошланғич партия ташкилотлари хотин-қизлар билан ишлаш масаласига етарли эътибор бермаётирлар. Илғорларни партия аъзолигига, кандидатликка қабул қилишда ҳам етарли иш олиб бормаётирлар.

Бундай камчиликларни дарҳол тугатиб хотин-қизларни жамоат ишларида актив қатнашишларига янада кўпроқ эътибор берайлик.

Х. СОДИҚЖОНОВА,
Ўзбекистон КП Тошкент қишлоқ область комитетининг инструктори.

РУЛДА ВА САҲНАДА

Бутуниттифоқ ёш механизаторлар слёти қатнашчилари учун концерт кўрсатилаётган эди.

— Ўртоқлар! Сизларни табриклаш учун Республика ҳунар мактаби маданият уйининг бадиий ҳаваскорлари келишди, — конферансье эълон қилди.

Ҳаваскорлар — «Зангори кема капитанлари» қизғин қарсаклар билан қарши олинди. Саҳнада кўк комбинезон кийган қизлар саф тортишди. Шу хилдаги оддий комбинезонларни Турсуной Охунова, унинг синглиси Инобат каби минглаб пахтазор юлдузлари кийишади. Лекин улар бу гал Тошкентга ясаниб келишган.

Саҳнадаги кўк комбинезон кийган қизларнинг қўлларида эса машина рули эмас, рубоб бор эди. Рубобларнинг жарангли овозлари янгради. Қизлар слёт қатнашчиларига ўзларининг янги совғалари — «Зангори кема капитанлари» қўшиғини тақдим этдилар. Бу қўшиқни композитор Хайри Исомов билан шоир Дмитрий Полинин ёзган.

Ансамблнинг ташкил топганига ҳали бир йил ҳам бўлгани йўқ. Лекин унинг бадиий раҳбари — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистка Гавҳар Раҳимова ва музика раҳбари М. Ниёзовлар ўзбек қизи Турсуной Азимова, рус қизи Валя Стрельникова, украин қизи Люда Гришченко, грузин қизи Алла Шавлухашвили, немис қизи Эльза Гертер ва кўпгина бошқа миллат қизларида санъатга катта ҳавас уйғота олишди.

Ёш рубобчилар 8 март — хотин-қизлар байрамига пухта тайёргарлик кўрдилар. Бугун байрам куни республика Маданият уйида улар ижросида ёшлик қўшиқлари, меҳнат ва бахт таронаси, меҳрибон ўлка куйлари янграйди.

Н. АҲМЕДОВА.

СУРАТЛАР ҲИКОЯ ҚИЛАДИ

Узбекистон ССР Марказий давлат архиви фондидан олинган бу фотосуратларда икки хил ҳаёт тасвирланган. Шулардан бири — тўрт девор ичларисидаги қоронгу турмушни, ўзбек аёлларининг Октябрь тонги ёришгунга қадар бўлган машаққатли ҳаётини акс эттиради. Одатдагидан барвақт қариган, чопон билан юзини ярим ёпган йиртиқ-ямоқ кийимли ва қўлига хаста боласини кўтариб олган икки аёлга назар ташланг-а (пастдаги сурат). Уларнинг қисмати аянчли ва азобунубатли бўлганлиги кўриниб турибди...

Иккинчи суратда мутлақо ўзгача манзарани кўрамиз. Мовий осмонда самолёт штурвали ортида, станок ёнида, трактор рулида ўтириб, эрканлар билан баббараварр меҳнат қилиш, эркин ва фаровон турмуш ғаштини суриш Башорат Мирбобоева ва унинг дўсталарига насиб бўлди. Бу — Улуғ Октябрнинг шарофати, ленинча миллий сиёсатнинг самарасидир.

«...Мени отам дема, менинг сендек қизим йўқ»,— деб ҳақиқатан эди парашютчи бўлаётганидан хабардор бўлган Башоратнинг отаси. «Ўз отам менга лаънатлаб, сочларимни қирқиб ташлаган эди»,— деб ҳикоя қилади Мирбобоева. Ўзининг ёшлик йилларини эслаб. Лекин қиз орзусига эришди, ўз бек хотин-қизлари ичида биринчи парашютчи бўлди.

Башоратга комсомол дўстлари, бирга ишловчи ўртоқлари яқин ҳаётга қадам қўйишда яқиндан ёрдам беришди. 1940 йили Мирбобоева ўзбек қизлари орасида биринчилар қаторида паровоз ҳайдади. У эндилигида энг яхши машинистлардан бири бўлиб қолди.

Юқоридаги суратда академик-юрист Хадича Сулаймоновани кўрамиз. Унинг ёнида турган синглиси Гулия эса медицина фанлари доктори, қон қуйиш илмий-текшириш институти директорининг ўринбосари. Ойша хола ўз қизлари фан арбоблари бўлади, деб ўйлаганмиди? Ахир унинг ёшлигида ҳамма «аёллар—уй чўриси» деб қайта-қайта айтишарди-ку!

Совет ҳокимияти Башорат Мирбобоева, Хадича Сулаймонова, Турсуной Охунова, Любовь Ли каби Ватанимизнинг минглаб хотин-қизларига ҳозир барпо қилинаётган коммунизмнинг тенгқуқуқли қурувчилари бўлишлари учун ёрқлик ва бахт-садоат йўлини очиб берди.

Ф. ШАМАЕВА
ЎзССР Марказий давлат архивининг старший илмий ходими.

ҚИЗҒИН ЙИҒИНЛАР

Эстрада театри биносида Октябрь район хотин-қизларининг конференцияси бўлиб ўтди.

Конференция делегатлари район партия комитетининг секретари ўртоқ А. М. Бобожонованинг КПСС XXII съезди қарорлари ва район хотин-қизларини коммунистик рухда тарбиялашни янада яхшилаш вазифалари тўғрисидаги докладини тингладилар.

«Шарқ гули» бадиий каштачилик фабрикасининг илғор ишчиси Исмоилова, 2-пойафзал фабрикаси коммунистик меҳнат бригадасининг бошлиғи А. Белькова ва бошқа ўртоқлар сўзга чиқиб хотин-қизларимизнинг меҳнатда эришаётган муваффақиятлари ҳақида гапирдилар.

* * *

Пойтахтнинг Ленин район хотин-қизларидан 800 киши район партия комитетининг биринчи секретари В. В. Окунскийнинг хотин-қизлар ўртасида идеология ишларини янада яхшилаш ҳақидаги докладини мамнуният билан тингладилар.

Район хотин-қизлар советининг раиси М. Муҳаммаджонова хотин-қизлар ўртасида олиб борилаётган ғоявий-тарбияий, сиёсий ишлар, бу соҳада йўл қўйилган айрим нуқсонлар ҳақида батафсил гапирди.

* * *

Чилонзор район хотин-қизларининг конференциясида район партия комитетининг секретари А. А. Осипова Хотин-қизлар ўртасида коммунистик тарбия ишларини кучайтириш тўғрисида доклад қилди.

Конференцияда район маданият уйининг директори Хўжаева, 24-поликлиника врачи Ҳақназарова, СССР халқ артисти Тамарахоним ва бошқа ўртоқлар сўзладилар.

Бу қизнинг исми Жамила. Лекин унинг тақдири не-не азоб-уқубатлар чеккан, гулдек умри хазон бўлган Ҳамзанинг Жамиласига сира ўхшамайди. Бу Жамиланинг бахти, эрки ўзининг қўлида. Ҳозир Жамила Алибоева Ўзбекистон ССР Фанлар академияси геология институтининг аспиранти. У билим булоғидан баҳраманд бўлаётган минглаб қизларимизнинг бири.

А. Палехов фотоси.

АЁЛЛАР МЕҲРИБОНИ

Катта Қозиработ маҳалласининг хотин-қизлари Тошкент тикувчилик фабрикасида бўлиб, тайёр маҳсулотларни томоша қилдилар, ишчилар билан суҳбатлашдилар.

— Ишимиз сизларбоп, бағримизга келинглар, — дейишди тикувчилар экскурсиячиларга.

Экскурсия қилиш маҳалла хотин-қизлари учун катта воқеа бўлди. Фабрикадаги қайноқ ҳаёт уйрўзғор ишлари билан шуғулланиб келган аёлларда яхши таассурот қолдирди.

— Раҳмат сенга, Мавжуда опа,—дейишди улар—биз уйда ўтириб, ҳаётдан анча орқада қолиб кетган эканмиз.

Инженер Мавжуда Низомова — Тошкентдаги Фрунзе район партия комитетининг штатсиз инструктори. У анчадан бери хотин-қизлар билан сиёсий-тарбиявий иш олиб боради.

Катта Қозиработда эскилик сарқитларидан қутилаолмаган оилалар ҳам бор. Кўпгина хотин-қизлар фақат уй иши билан банд. Маҳалла хотин-қизлари билан жонли суҳбат ўтказиш, уларни фойдали меҳнатга жалб этиш ишлари камдан-кам кишиларни қизиқтирарди. Коммунист Низомова шунинг учун ҳам маҳалла аёллари ўртасида ишлашни ўз зиммасига олди.

Бу ерда ишлаш сизга анча қийин бўлади, — огоҳлантиришди райкомдагилар.

— Ҳеч қиси йўқ, қийин жойда ишлаш қизиқроқ бўлади, — дадил жавоб берди Мавжуда Низомова.

Маҳалла хотин-қизлари билан ишлашни у оддий суҳбатдан бошлади. «Меҳнат кишини улуғлайди» деган темадаги суҳбатни ўтказганидан кейин хотин-қизларни тикув фабрикасига олиб борди. Эшитиш бошқа-ю, кўриш бошқа деб шуни айтадилар-да. Маҳалла аёллари энди Мавжудага кўпроқ ишонч билан қарайдиган бўлиб қолдилар. Улар ўз қувончлари, ҳис-туйғуларини Мавжудага беистихола айтадиган бўлдилар.

Кунларнинг бирида Низомованинг олдига ўрта бўйли, шахло кўзли ёшгина жувон келиб, бир нарса демоқчи бўлди-ю, ўзини тутолмай йиғлаб юборди. Мавжуда опа унинг елкасига қоқиб бироз юпатгач, вазминлик билан ўзи гап очди:

— Уялма синглим, нима гапинг бўлса менга айтавер, балки ёрдамим тегиб қолар.

Жувон Мавжуданинг оналарча меҳрибонлигидан тўлқинланиб кетди ва унга ҳасрат қилабошлади:

— Жуда жонимдан тўйиб кетдим, сабр қилиш шунчалик бўлар. Эрим ичиб келиб тўполон қилгани-қилган, — Турсуной ўпкасини тутолмай йиғлаб юборди.

Мавжуда опага масала равшан бўлди.

— Эртага тўқимачилик институтига келинг, бафуржа гаплашамиз...

...Тантанали кеча. Залга педагогика техникумини битириб чиқувчилар тўпланишган. Улар орасида Мавжуда ҳам бор эди. У ўша кезларда болалар тарбияси билан шуғулланишни орзу қиларди. Нима бўлди-ю, у бир куни Тошкент тўқимачилик комбинатига бориб қолди. Комбинзон кийган қизларнинг қўли-қўлига тегмайди. Ҳамма қайноқ меҳнатга берилган. Шунда Мавжуда тўқимачилик касбини ўрганиш ва келгусида инженер бўлиш орзуси туғилди. У болалар боғчасида бир йил ишлаганидан кейин тўқимачилик институтига ўқишга кирди. Бу ерда жамоат ишларида актив қатнашди. Янги ўртоқлар, дугоналар орттирди.

Бу аснода йиллар ўтди. Мавжуда тўртинчи курсга кўчганда ғалати воқеа содир бўлди. Чол-кампирлар совчи, куёв ҳақида гап юритабошлашди.

Ниҳоят куёв томон қизнинг ўқишига ҳалал бермаслик шарти билан тўйни бошлаб юборди. Лекин оқибат бунинг акси бўлиб чиқди. Тўйдан кейин эр ва унинг туғишганлари Мавжуданинг институтга боришини таъқиқлаб қўйишди. Комсомол қиз учун бу жуда ғалати туюлди. Ахир у шу умидда турмушга чиққани йўқ эди-ку. Мавжуда институтга қатнашни давом эттирди. Ана шундан кейин машмашалар баттар кучайиб кетди. Ҳатто эри унга мушт кўтаришгача бориб етди. Мавжуданинг сабр косаси тўлди. У қўлида ёш боласи билан эрининг уйидан кетишга мажбур бўлди. Артелга ишга кирди. Ажойиб, меҳнатсевар коллектив бағрида у ўз бахтини топди.

Ойлар кетидан ойлар, йиллар кетидан йиллар ўтаборди. Мавжуда институтдан кетганига ўн беш йил ўтиб кетган бўлишига қарамай, ўқишни давом эттирди. Ниҳоят орзу рўёбга чиқди—у инженерлик дипломини қўлга олди...

...Тубсиз ҳаёлларга берилиб кетиб вақтнинг қандай ўтганини ҳам билмай қолибди. У ўрингa ётар экан, кечаги жувоннинг маъюсона боқишларини кўз олдига келтирди. «Мен унга албатта ёрдам бераман» деб кўнгилдан ўтказди.

Эртаси куни Турсуной тўқимачилик институтига келиб, инженер Низомовани сўради.

— Сизга ўқув-ишлаб чиқариш лабораториясининг директори керакми, мана у кишининг кабинетлари.

Турсуной остонадан ҳатлаб ўтиши билан Мавжуда опа қиз томон қучоғини очиб келаверди.

— Салом, синглим келиб жуда яхши қилибсан

..Бизнинг Мавжуда Низомова билан бўлган суҳбатимиз узоқ давом этди. Коммунистга хос ҳислатлар, катта ҳаётий тажриба бу оддий аёлни шу қадар улуғлардики, кейинги воқеаларнинг ижобий ривожланишлигига сира шубҳамиз қолмади. Гап айланиб Мавжуда опанинг шахсий ҳаётига келганда у:

— Менинг овунчоғим мана шу қиз ва меҳнат. Қизим ҳозир 10 синфда ўқимоқда. Ўрта маълумотли бўлгач, ишлаб чиқаришга юбораман, ишласин ва ўқисин. Чунки киши меҳнатсиз бахт топаолмайди.

Мавжуда опа бир дақиқа жимликдан сўнг енгил бир хўрсиндида, бирдан лабораториянинг ишлари ҳақида дадил гапиракетди. Лабораторияда малакали инженерлар ишлайди. 150 дан ортиқ ходим бор. Юзлаб студентлар бу ерда таҳсил кўрадилар.

...Ишдан кейин Мавжуда Низомова кўпинча ўзига бириктирилган маҳаллага бориб, жонажон партиямиз ва ҳукуматимизнинг одилона сиёсатларини аёлларга тушунтиради.

Мавжуда опанинг сўзларини эшитар экансиз, бу аёлда қандайдир жўшқинлик, меҳр-муҳаббат борлигини фаҳмлайсиз.

Ҳозир ўртоқ Низомова техника фанлари кандидати деган унвонни олиш учун диссертация ёзмоқда. Оқ йўл сизга, Мавжуда!

Б. АВЕРЬЯНОВ.

Галия Бабинани 4-«Вревский» совхозининг чорвадорлари бизнинг донгдор ва ғайратли сут соғувчимиз, деб таърифлашади. Уни ҳар қанча таъриф қилса арзийди. У ўз боқимидаги соғин сигирларни яхшилаб парвариш қилиб, мўл-кўл сут соғиб олмоқда.

МИЛЛИОНЕР КИОСКАЧИ

Ҳурматли онахонларимиз, севимли опа-сингилларимизни не-не соҳада учратмайсиз. Улар орасида меҳрибон врачлар, ҳурматли ўқитувчилар, дилбар санъаткорлар, қўли гул ишчилар, қўйингчи ҳамма касб эгалари бор. Киоскачи Лутфихон Ирисназарова ҳам ана шундай ҳурматли аёлларимиздан бири.

Бугун Ленин кўчасидан ўтиб бораётган ишчи-хизматчилар, олиму студентлар ундан газета-журнал олиш билан бирга, Лутфихонни катта байрам билан самимий табрикламоқдалар, унга сиҳат-саломатлик, эзгу ният тиламоқдалар.

Ҳушмуомала, ишчан бу аёл ўн йилдан бери шу соҳада ҳалол меҳнат қилади. Ҳар йили савдо оборотни планини ошириб бажаради. Лутфихон киоскасидан ўтган йили 1 миллион 316 ярим минг нусха газета тарқатилибди.

Бу киоскачини матбуот тарқатувчиларнинг машъали деса, бўлади. Лутфихон Ирисназарова Тошкентдагина эмас, балки республикамиздаги барча киоскачилар ўртасида биринчи ўринни эгаллаб келмоқда. У шу йилнинг ўтган икки ойи давомида ҳам планни анча ошириб бажарди. Лутфихоннинг яна миллионер бўлишига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

А. НАБИХЎЖАЕВ
Республика «Союзпечати»нинг старший инструктори.

ТАЪЗИМ ҚИЛАМАН УНГА

— Алижон акам менга одам қўйганларида мен ўлгур, тегмайман деб, икки оёғимни бир этикка тиқиб турибман. Бунчалик яхши одам эканликларини қаёқдан билай?! Ўзим кап-катта бўлсам ҳам, болалигим қолмаган экан-да. Қийнаганларим эсимга тушса, ўзимдан ўзим кулиб юбораман. Йигит киши бир севса соянгдек эргашиб юраверарканман. Қўймадилар. «Бир қиё боқдим, илиндим тўтининг занжирига» деб, кўчамиздан ашула айтиб ўтавердилар. Охири, эриб кетдим. Яхши кўриб қолдим. Тинчим бузилди қолди. Нега кунлар чувалчангдек ирмилларкин, қачон Алижон акам қулоғимга ғалати сўзларни шивирларкин деб, тўй кунини озмунча орзиқиб кутдимми?

Тўй ҳам бўлди...

Сувчиларнинг иши ўзингизга маълум. Алижон акам иссиққина овқат есинлар деб, қозонни кеч осардим. Ҳадеганда келавермаганларидан кейин, катта товоқдаги ширгурунчними ё қалампир сепилган мошкичириними чамбаракка қўйиб, олдиларига отланардим.

Қайнонам:

— Маъсумахон, янгигина келинсиз-а, кўрган нима дейди? — деб йўлимни тўсмоқчи бўлардилар.

Алижон акамсиз томоғимдан ҳеч нарса ўтмаслигини қайнонам қаёқдан билсинлар.

Алижон акамни ё сув бошидан, ё сув этагидан топардим. Ҳали-ҳали эсимда: Алижон акам белбоғларини ечиб, ариқ лабидаги чимга ёзардилар-да, аввалаб мени ўтқазардилар, кейин мен келтирган овқатидан бир қошиқ ичиб, қошиқни менга узатардилар, мен ҳам бир қошиқ ичиб қайтарардим...

Қандай ширин эди ўша дамлар...

Кутилмаганда уруш бошланди.

Отинг ўчкур уруш! Ҳали келинлик кийимларимни ечмасимдан, ҳали ўн гулимдан бир гулим очилмасдан — Алижон акамни мендан айирдинг...

Она сутидан эрта ажратилган чақалоқ сутга ташна қолгандек, мен ҳам Алижон акамнинг севгисига бир умр чанқоқ қолдим.

Изғирин куз эди. Кечагидек эсимда, ўша куни қишлоғимиздаги талай йигитларни фронтга жўнатдик.

Орадан икки ойча ўтгандан кейин, кўзим ёриди. Кечирасиз, бу гапларни сизга айтмасам ҳам бўларди, Алижон акамга ёзган хатимда чақалоқнинг исмини ўзингиз қўйинг, дадаси деб айтгандим, «ўғилчамизнинг исми Рустамжон бўлсин, расмини ҳам юборинг» деб, жавоб ёзиб юбордилар. Бу исм менга ҳам, қайнонамга ҳам маъқул тушди. Кейин, ҳали қудрат тўй қилиб бердик. Алижон акам бўлганларида, катта тўй қилиб берардикку-я, лекин на чора?!

Мен ишдан келгунимча қайнонам Рустамжонни боқиб ўтирардилар.

Уруш йиллари аёлларнинг бўйнига оғир юк тушди. Энди улар ўйнинг ҳам эркаги, ҳам аёллари эдилар. Дуч келган ишни қилишди. Мен ўзим хотин бошим билан аравакашлик қилдим. Колхоздан пунктга пахта таширдим. Ушанда оғир-оғир қопларни қандай қилиб аравага ортганимни, аравадан туширганимни, ишдан қайтганимдан кейин зогора-нон қилиш учун ўзимдан китта келида жўхори тўйганимни эласам, ваҳмим келади. Одам боласи кўникмайдиган иш йўқ экан-.

Уруш ҳам тугади. Халқнинг елкасидаги тоғ ағдарилди. Жуда кўп йилларнинг остонасидан бахт хатлаб ўтди. Алижон акамдан на хат, на хабар бор. Мен ҳар куни фронтдан қайтаётган одамларни олиб келаётган поездни кутиб кунига неча мартадан разъездга борардим. Алижон акамни қидириб поезд силжигунча вагонларни бирма-бир қараб чиқардим. Разъездда одам қолмагандан кейин, «эртага келиб қоларлар» деган умидда уйга қайтардим.-.

Лекин, баъзи аёлларга қойилмасман. Деворминён қўшним бор эди (асли номи Қумри ё Умри эди шекилли), эри урушдалигида қўни-қўшнилар ҳали у эркак билан, ҳали бу эркак билан кўришиб, отини Улфатхон қўйиб олишган эди.

Товба, ёмон одам ёмон кўпайишини хоҳласа керак-да. Ҳалиги Улфатхон денг, бир куни кечки пайт ҳамир ёйиб ўтирувдим, қўйшанглаб кириб келди. Истаганг-истамасанг, уйингга биров келса, «мушугингни пишт» деёлмайсан. Ноилож нон-чой қилдим. Ўтириб-ўтириб, бир маҳал, сурма қўйилган кўзларини сузиб, хинали бармоқларини қисирлатиб:

— Маъсумахон, аёл киши ўттизида ўтин бўларкан. Уруш ҳам тугади, Алижон акамдан ҳалиям дарак йўқ... умр оқар сувакан, аёл кишининг эти ўлгандан кейин, эркаклар қарармиди? — дейди-я, тилинг қирқилгур ҳиринглаб.

Гап билан узиб-узиб олдим жувон ўлгурни.

Ўша чимрилиб чиқиб кетганича, Улфатхоннинг қорасини кўрганим йўқ. Кейинчалик, Улфатхоннинг эри — Султонали фронтдан қайтиб келди. Бечора не-не умидлар билан қайтиб келган десангиз-чи? Хотинининг қилмишларидан уялган эр ҳовлисини арзон-гаров сотиб маҳалладан кўчиб кетди. Гоҳ-гоҳда қариндош-уруғлариникига келиб туради. Шаҳардаги алла қайси заводда механиккмиш. Гулдай хотини бор дейишади.

Улфатхон ўзига-ўзи қилди. Ким билсин, ҳозир у қайси гўрда юрганикин?..

Кейинчалик, Алижон акамдан қора хат келди. Урушнинг сўнггги қунларидаги жангларда бирида ҳалок бўлибдилар. Бу воқеа оиламизни ағдар-тўнтар қилиб юборди. Етганда йиқилдим дегани шу экан-да!

Қайнонам бечора пешонасидаги битта-ю-битта ўғлидан айирган урушни қарғаб, умри ўтди.

Гоҳида бир кўнгилсиз воқеа кетидан бир ташвишни эргаштириб келарканман. Кўп ўтмай қайнонамни ҳам ерга қўйдик. Уйимиз ҳувиллаб қолди. Яхшиямки Рустамжон бор. Ўғилчамни кўрганимда, ўё дунёга янги келгандек ҳар қандай ташвишни унутардим.

Ҳозир Рустамжонни кўрсангиз суқингиз киради. Шунақанги йигит бўлганки, худди отасининг ўзи. Ўзим билан ишлайдиган Зуҳра деган сут соғувчи қизчани кўз остига олиб юрган экан, қиз ҳам рози экан шекилли дарров кўна қолди. Келиним ҳам Зуҳра деганча бор...

Хонага бўйи—басти келишган, яноқлари анор гулидек қизил, ёнгина жувон кирди. Танидим — Зуҳра.-.

— Ая, ўғлингиз кеч қайтармишлар, — деди у. Маъсумахонга эшитилар — эшитилмас дастурхоннинг попугини ўйнаб.

Кейин ҳовлига чиқди, сўридаги чамбаракни олиб, косани ўрнатдида, бир неча анорни қийқчага тўғиб, Рустамжоннинг ёнига кетди... Бу холатни кўриб юрагим аллақандай ширин туйғулар билан тўлди. «Даврлар ўтаркану, дунёдаги энг кекса нарса — муҳаббат хамон ёш коларкан», деган ўй ҳаёлимдан ўтди-.

Навқирон йилларини, умрининг энг ширин дамларини эри йўлига тикилиб ўтказган бу жувонга қараб ўй ўйлаб кетибман:

Уруш бўлмаганда, бу осуда оиланинг тақдири қандоқ тиниқ, қандоқ беғубор бўларди... Қанча шодликлар, қанча ниятлар жувонмарг бўлиб кетди.

Инсон муҳаббати қанчалик соф, қанчалик самимий бўлса, у чинордек чиримас, арчадек қуримас экан, ўтдан ҳам, сувдан ҳам омон чиқаркан.

Маъсумахоннинг севгиси ана шундай: қаршиликка учраган сари, тобланадиган, ярқирайдиган муҳаббат эди.

Ана шундай соф севгига қалбидан жой берган аёлларга таъзим қилмоқ керак.

Анвар ЭШОНОВ.

КОММУНИСТЛАР БИЛАН ПАРТИЯСИЗЛАР БЛОКИНИНГ ҒАЛАБАСИ

ҚЎШНИ, ҚАРДОШ РЕСПУБЛИКАЛАРДА

1963 йил 3 март якшанба куни Россия Федерациясида, Украина, Белоруссия, Ўзбекистон, Козоғистон, Молдавия, Латвия, Тожикистон ва Туркманистон иттифоқчи республикаларида Олий Советларга депутатлар сайланди.

Ҳамма жойда овоз бериш маҳаллий вақт билан эрталаб соат 6 да бошланиб, кечаси соат 12 да тамом бўлди.

РСФСР Олий Советига депутатлар сайлашда жами сайловчиларнинг 99,94 проценти қатнашди. Ҳамма сайлов округларида сайловларда қатнашган жами сайловчиларнинг 99,59 проценти депутатликка номзодлар учун овоз берди. РСФСР Олий Совети депутатлари орасида хотин-қизлар 33,4 процентни, партиясизлар 32,8 процентни, бевосита ишлаб чиқаришда ишлаб турган ишчилар ва колхозчилар 47,3 процентни ташкил қилади. Депутатларнинг 84,2 проценти РСФСР Олий Советига биринчи марта сайланди.

Украина ССР Олий Советига депутатлар сайлашда жами сайловчиларнинг 99,97 проценти қатнашди. Ҳамма сайлов округларида овоз беришда қатнашган жами сайловчиларнинг 99,86 проценти номзодлар учун овоз берди. Украина ССР Олий Советига 34,1 процент хотин-қиз; 32,0 процент партиясиз, 51,4 процент ишчи ва колхозчи сайланди. Депутатларнинг 63,3 проценти ўтган чақириқ Украина ССР Олий Советининг депутатлари эмас эди.

Белоруссия ССР Олий Советига депутатлар сайлашда жами сайловчиларнинг 99,96 проценти қатнашди. Ҳамма сайлов округларида овоз беришда қатнашган жами сайловчиларнинг 99,83 проценти коммунистлар билан партиясизлар ҳалқ блоки номзодлари учун овоз берди. Белоруссия ССР Олий Советига сайланган депутатлар орасида 35,87 процент хотин-қиз; 30,64 процент партиясиз; 46,32 процент ишчи ва колхозчи бор. Депутатларнинг 81,47 проценти ўтган чақириқ республика Олий Советининг депутатлари эмас эди.

Қозоғистон ССР Олий Советига депутатлар сайлашда жами сайловчиларнинг 99,97 проценти қатнашди. Ҳамма сайлов округларида овоз беришда қатнашган жами сайловчиларнинг 99,53 проценти номзодлар учун овоз берди. Қозоғистон ССР Олий Совети депутатлари составига 33,4 процент хотин-қиз; 33,8 процент партиясиз; 46,8 процент бевосита ишлаб чиқаришда ишлаб турган ишчи ва колхозчи сайланди. Депутатларнинг 86,5 проценти Қозоғистон ССР Олий Советига биринчи марта сайланди.

Молдавия ССР Олий Советига депутатлар сайлашда жами сайловчиларнинг 99,90 проценти қатнашди. Овоз беришда қатнашган сайловчиларнинг 99,88 проценти ҳалқ блоки номзодлари учун овоз берди. Сайланган депутатлар орасида 37,8 процент хотин-қиз; 35,9 процент партиясиз; 61,5 процент ишчи ва колхозчи бор. Сайланган депутатларнинг 82,7 проценти ўтган чақириқда депутат эмас эди.

Латвия ССРда жами сайловчиларнинг 99,81 проценти республика Олий Советига депутатлар сайлашда қатнашди. Ҳамма сайлов округларида овоз беришда қатнашган сайловчиларнинг 99,85 проценти номзодлар учун овоз берди. Депутатлар орасида 32,90 процент хотин-қиз; 36,45 процент партиясиз; 48,71 процент ишчи ва колхозчи бор. Сайланган депутатларнинг 87,74 проценти ўтган чақириқда депутат эмас эди.

Тожикистон ССР Олий Советига депутатлар сайлашда жами сайловчиларнинг 99,96 проценти қатнашди. Ҳамма сайлов округларида овоз беришда қатнашган сайловчиларнинг 99,76 проценти коммунистлар билан партиясизлар блокининг номзодлари учун овоз берди. Тожикистон ССР Олий Совети депутатлари составига 33,0 процент хотин-қиз; 30,7 процент партиясиз; 48,0 процент ишчи ва колхозчи сайланди. Депутатларнинг 67 проценти республика Олий Советига биринчи марта сайланди.

Туркманистон ССР Олий Советига депутатлар сайлашда жами сайловчиларнинг 99,99 проценти қатнашди. Ҳамма сайлов округларида овоз беришда қатнашган жами сайловчиларнинг 99,69 проценти республика Олий Совети депутатлигига номзодлар учун овоз берди. Республика Олий Советига 35,11 процент хотин-қиз; 32,62 процент партиясиз; 49,65 процент ишчи ва колхозчи сайланди. Туркманистон ССР Олий Совети депутатларининг состави 73,76 процент янгиланди. (ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИГА 1963 ЙИЛ 3 МАРТДА ЎТКАЗИЛГАН САЙЛОВ ЯКУНЛАРИ ҲАҚИДА ЎЗБЕКИСТОН СС Р ОЛИЙ СОВЕТИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ

А Х Б О Р О Т И

1963 йил 3 март якшанба куни Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасида Ўзбекистон ССР Олий Советига депутатлар сайланди. Сайлов ҳамма жойда маҳаллий вақт билан эрталаб соат 6 да бошланди ва кечаси соат 12 да тамом бўлди.

Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов сайловчиларнинг актив иштирокида сиёсий ва ташкилий жиҳатдан юксак даражада ўтди.

Марказий сайлов комиссияси 458 округ сайлов комиссияларининг ҳаммасидан Ўзбекистон ССР Олий Советига ўтказилган сайловларнинг якунлари тўғрисида тўла маълумот олди.

4.861.334 сайловчидан депутатлар сайлашга 4.860.645 сайловчи ёки сайловчиларнинг 99,99 проценти қатнашди.

Ҳамма сайлов округларида 4.848.865 киши ёки овоз беришда қатнашган сайловчиларнинг 99,76 проценти коммунистлар билан партиясизлар блокининг номзодлари учун овоз берди.

11.632 киши ёки овоз беришда қатнашган сайловчиларнинг 0,24 проценти депутатликка номзодларга қарши овоз берди.

«Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов ҳақидаги Низом»нинг 79-моддасига биноан 148 бюллетень бекор деб топилди.

Марказий сайлов комиссияси ҳар бир сайлов округидан олинган материалларни кўриб чиқиб, «Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов ҳақидаги Низом»нинг 38-моддасига биноан, 458 сайлов округининг ҳаммасида Ўзбекистон ССР Олий Советига сайланган депутатларни рўйхатга олди.

Ўзбекистон ССР Олий Советига 458 депутат сайланди.

Депутатлар орасида 139 хотин-қиз (30,3 процент), 129 партиясиз (28,2 процент), 214 ишчи ва колхозчи (46,7 процент) бор.

Сайланган депутатларнинг 72,9 проценти, яъни 334 киши бундан олдинги чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати эмас эди.

Сайланган депутатларнинг ҳаммаси коммунистлар билан партиясизлар блокининг номзодларидир.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ, РАЙОН, ШАҲАР, ПОСЕЛКА, ҚИШЛОҚ ВА ОВУЛ СОВЕТЛАРИГА САЙЛОВЛАРНИНГ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ

А Х Б О Р О Т И

1963 йилнинг 3 мартида Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси меҳнаткашлар депутатлари область, район, шаҳар, посёлка, қишлоқ ва овул Советларига сайловлар ўтказилди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми сайлов натижалари тўғрисида олган маълумотларга кўра, меҳнаткашлар депутатлари 12 область Совети, 64 район Совети, 35 шаҳар Совети, шаҳарлардаги 6 район Совети, 77 посёлка Совети, 779 қишлоқ ва овул Советига депутатлар сайланган.

Меҳнаткашлар депутатлари область, район, шаҳар, посёлка, қишлоқ ва овул Советларига сайловлар вақтида овоз беришда қатнашган сайловчилар (сайловчиларнинг умумий сонига нисбатан процент ҳисобида):

область Советларига —	99,99
район Советларига —	99,99
шаҳар Советларига —	99,96
шаҳарлардаги район Советларига —	99,93
посёлка Советларига —	99,99
қишлоқ ва овул Советларига —	99,99

Шундай қилиб, жуда оз сайловчини мустасно қилганда, деярли ҳамма сайловчилар сайловларда иштирок этган.

Коммунистлар билан партиясизлар блокининг номзодлари учун қуйидагича овоз берилган (овоз беришда қатнашган сайловчиларнинг умумий сонига нисбатан процент ҳисобида):

область Советларига —	99,78
район Советларига —	99,91
шаҳар Советларига —	99,46
шаҳарлардаги район Советларига —	99,54
посёлка Советларига —	99,47
қишлоқ ва овул Советларига —	99,90

Депутатликка номзодлар учун қарши овоз берилган (овоз беришда қатнашган сайловчиларнинг умумий сонига нисбатан процент ҳисобида):

область Советларига —	0,21
район Советларига —	0,08
шаҳар Советларига —	0,53
шаҳарлардаги район Советларига —	0,45
посёлка Советларига —	0,53
қишлоқ ва овул Советларига —	0,09

«Ўзбекистон ССР меҳнаткашлар депутатлари область, район, шаҳар, посёлка, қишлоқ ва овул Советларига сайловлар тўғрисидаги Низом»нинг 100-моддасига асосан 258 бюллетень бекор қилинди.

Республика бўйича маҳаллий Советларга ҳаммаси бўлиб 70.287 депутат сайланган. Депутатлар орасида 30.240 ёки 43,02 процент хотин-қиз, 38.131 ёки 54,3 процент партиясиз, 46.409 ёки 66 процент ишчи ва колхозчи бор.

Сайланган депутатлар орасида 40.246 киши ёки 57,2 процент ўтган чақириқда депутат эмас эди.

Сайланган ҳамма депутатлар коммунистлар билан партиясизлар блокининг номзодларидир.

Сайловлар барча сайлов округларида ўтди. Тошкент области Бўка районидаги Оқтепа қишлоқ Совети депутатлигига кўрсатилган бир номзод мутлақ кўпчилик овоз олмади.

МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ САНОАТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИГА ЎТКАЗИЛГАН САЙЛОВЛАРНИНГ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА ОБЛАСТЬ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ

А Х Б О Р О Т И

1963 йил 3 март, якшанба куни меҳнаткашлар депутатлари Тошкент саноат область Советига сайлов бўлиб ўтди.

Сайлов ҳамма ерда маҳаллий вақт билан эрталаб соат 6 да бошланди ва кечаси соат 12 да тамом бўлди. Барча сайлов округлари бўйича овоз беришда умумий сайловчиларнинг 99,97 проценти қатнашди.

Сайлов округларидан олинган натижаларга қараганда, умумий сайловчиларнинг 99,22 проценти коммунистлар ва партиясизлар блокининг номзодлари учун овоз берди. Сайловга қатнашган умумий сайловчиларнинг 0,78 проценти депутатликка кўрсатилган номзодларга қарши овоз берди.

«Ўзбекистон ССР меҳнаткашлар депутатлари область, район, шаҳар, посёлка, қишлоқ ва овул Советларига сайловлар тўғрисида Низом»нинг 100-моддасига мувофиқ 3 та бюллетень ҳақиқий эмас деб топилди.

Область сайлов комиссияси ҳар бир сайлов округидан олинган материалларни кўриб чиқиб ва «Ўзбекистон ССР меҳнаткашлар депутатлари область, район, шаҳар, посёлка, қишлоқ ва овул Советларига сайлов тўғрисида Низом»нинг 29-моддасига биноан ҳамма сайлов округлари бўйича Тошкент саноат область Советига сайланган 112 депутатни рўйхатга олди.

Сайланган депутатларнинг ҳаммаси коммунистлар билан партиясизлар блокининг номзодларидир.

Депутатлар орасида 40 хотин-қиз (35, 72 процент), 49 партиясиз (43, 74 процент), 52 ишчи (46, 42 процент) бор.

Область Советига сайланган депутатларнинг 81,25 проценти бундан олдинги чақириқда сайланмаган эди.

МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ СОВЕТИГА ЎТКАЗИЛГАН САЙЛОВЛАРНИНГ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА ОБЛАСТЬ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ

А Х Б О Р О Т И

1963 йил 3 март, якшанба куни меҳнаткашлар депутатлари Тошкент қишлоқ область Советига сайловлар бўлиб ўтди.

Овоз бериш ҳамма ерда маҳаллий вақт билан эрталаб соат 6 да бошланиб, тунги соат 12 да тамомланди. Умумий сайловчиларнинг 99,99 проценти овоз беришда иштирок этди.

Сайлов якунлари шуни кўрсатдики, умумий сайловчиларнинг 99,84 проценти коммунистлар билан партиясизлар блокининг номзодлари учун овоз беришди. Депутатликка кўрсатилган номзодларга қарши овоз берганлар умумий сайловчиларнинг 0,16 процентини ташкил қилади.

«Ўзбекистон ССР меҳнаткашлар депутатлари область, район, шаҳар, посёлка, қишлоқ ва овул Советларига сайлов тўғрисида Низом»нинг 100-моддасига мувофиқ иккита бюллетень ҳақиқий эмас деб топилди.

Область сайлов комиссияси ҳар қайси округ бўйича материалларни қараб чиқиб ва «Ўзбекистон ССР меҳнаткашлар депутатлари область, район, шаҳар, посёлка, қишлоқ ва овул Советларига сайловлар тўғрисида Низом»нинг 29-моддасига мувофиқ Тошкент қишлоқ область Советига сайланган 229 депутатни рўйхатга олди.

Шундай қилиб, меҳнаткашлар депутатлари Тошкент қишлоқ область Советига 229 депутат сайланди. Сайланган депутатларнинг ҳаммаси коммунистлар билан партиясизлар блокининг номзодларидир.

Депутатлар орасида 98 хотин-қиз (42,79 процент), 72 партиясиз (31,44 процент), 116 ишчи, колхозчи (50,65 процент) бор.

Сайланган депутатлардан 197 киши ёки 86,03 проценти янгидан сайланган кишилардир.

(Депутатлар рўйхати газетанинг келгуси сонида эълон қилинади).

МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИГА ЎТКАЗИЛГАН САЙЛОВЛАРНИНГ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА ШАҲАР САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ

А Х Б О Р О Т И

1963 йил 3 март, якшанба куни Тошкент шаҳрида меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Советига сайловлар бўлиб ўтди.

Овоз бериш ҳамма ерда маҳаллий вақт билан эрталаб соат 6 дан бошланиб, кечаси соат 12 да тамомланди.

Шаҳар сайлов комиссияси 464 та округ сайлов комиссияларининг ҳаммасидан меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Советига ўтказилган сайловларнинг натижалари тўғрисидаги тўлиқ маълумотларни олди.

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Советига депутатлар сайлашда сайловчилар умумий сонининг 99,93 проценти қатнашди.

Сайловларда умумий сайловчиларнинг 99,53 проценти коммунистлар билан партиясизлар блокининг номзодлари учун овоз берди.

Депутатликка кўрсатилган номзодларга қарши овоз берганлар умумий сайловчиларнинг 0,47 процентини ташкил қилди.

79 та бюллетень ҳақиқий эмас деб топилди.

Тошкент шаҳар сайлов комиссияси ҳар бир сайлов округи бўйича материалларни кўриб чиқиб, «Ўзбекистон ССР меҳнаткашлар депутатлари область, район, шаҳар, посёлка, қишлоқ ва овул Советларига сайловлар тўғрисида Низом»нинг 45-моддасига мувофиқ, ҳамма сайлов округлари бўйича меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Советига сайланган депутатларни рўйхатга олди.

Депутат қилиб сайланганларнинг 43,3 проценти хотин-қизлар, 48,9 проценти партиясизлар ва 57,3 проценти ишчилардан иборат.

Тошкент шаҳар Советига ҳаммаси бўлиб 464 депутат сайланди. Шулардан 339 киши янгидан сайланган депутатлардир.

Сайланган барча депутатлар коммунистлар билан партиясизлар блокининг номзодларидир.

(Депутатлар рўйхати газетанинг навбатдаги сонида эълон қилинади).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ДЕПУТАТЛАРИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

Окунский Владимир Викторович, Ўзбекистон КП Ленин район комитетининг биринчи секретари, 1-Тошкент Ленин округи.

Реут Людмила Александровна, «Октябрь революцияси» номидаги завод стерженчиси, 2- Горький округи.

Хўжаев Тошкан, Граждан-Ҳаво Флоти Ўзбекистон территориал бошқармаси «ИЛ-18» ҳаво кемасининг командири, 3-Пролетар округи.

Сандова София, Тошкент тепловоз депоси тепловоз машинистининг ёрдамчиси, 4- Кафанов округи.

Меликўзиева Анна Федоровна, «Автотрактродеталь» заводининг ткари, 5- Первомайский округи.

Рашидов Шароф Рашидович, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, 6- Темир йўл округи.

Исроилова Моҳира Иброҳимовна, заводнинг приборлар йиғувчиси, 7-Правда округи.

Загурская Галина Николаевна, М. Горький номли театр артисти, 8- Охунбобоев округи.

Холиқова Ойниса Нурматовна, электротехника заводининг слесари, 9- Шумилов округи.

Скребнев Василий Степанович, Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитетининг иккинчи секретари, 10- Жуковский округи.

Ильичев Юрий Иванович, «Ташкенткабель» заводи прокатсим тортиш цехининг бошлиғи, 11- Луначарский округи.

Юсупов Сотиболди Баратбоевич, Тошкент лак-бўёқ заводининг технологи, 12-Куйбишев округи.

Раҳматов Исмоил, Ўзбекистон КП Тошкент саноат область комитетининг секретари, саноат область ижроия комитети раисининг ўринбосари, Партия-давлат контроли комитетининг раиси, 13- Калинин округи.

Бродова Анна Ивановна, Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитетининг секретари, 14- Сельмаш округи.

Ломоносов Владимир Григорьевич, КПСС Марказий Комитети Ўрта Осиё Бюросининг раиси, 15- Урицкий округи.

Белов Евгений Александрович, «Ташсельмаш» заводининг директори, 16- Пушкин округи.

Акрамов Олим, Ўзбекистон КП Киров район комитетининг биринчи секретари, 17- Марказий округ.

Бурлаченко Иван Иванович, Ўзбекистон ССР Госплани раисининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон ССР Министри, 18- Чапаев округи.

Акмалова Маъмура, 1- тикувчилик фабрикаси эксперименталцехининг тикувчиси, 19- Шчербаков округи.

Орифхонова Мапура, Тошкент политехника институтининг старший илмий ходими, 20- Комсомол округи.

Нестеренко Иранда Андреевна, «Ўзбексельмаш» заводининг пармаловчиси, 21- Киров округи.

Стародубцев Сергей Васильевич, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти, 22- Саноат округи.

Поспелов Константин Сергеевич, машинасозлик заводининг директори, 23-Октябрь округи.

Холматова Муборак, 1- босмахона ҳарф терувчиси, 24- Ленин округи.

Петрова Надежда Семёновна, Тошкент Давлат медицина институти госпитал терапияси кафедрасининг доценти, 25- Жданов округи.

Акмалов Икром, машинасозлик заводининг мискари, 26-Босмахона округи.

Содиқов Обид, В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг ректори, 27-Нариманов округи.

Жалилов Қодир, «Таштрансспецстрой» трести, 934-УНР комплекс бригадасининг бошлиғи, 28-Қизил Армия округи.

Толипов Маъдан Орифжонович, Ўзбекистон КП Октябрь район комитетининг биринчи секретари, 29-Фурманов округи.

Абросимов Иван Петрович, 159-қурилиш трестининг бошқарувчиси, 30-Собир Раҳимов номли округ.

Илюхин Александр Меркулович, Тошкент саноат область ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари, 31-Москва округи.

Измайлова Галия Баязитовна, А. Навоий номидаги театр балетининг солисти, 32-Ломоносов округи.

Нишонов Рафиқ, меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси, 33-Полиграфия округи.

Садименко Павел Иванович, меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари, 34- Ўзбекистон округи.

Платоненков Георгий Кузьмич, ҳарбий хизматчи, 35-Большевик округи.

Соқиев Обид, Ўзбекистон КП Чилонзор район комитетининг биринчи секретари, 36-Каттабоғ округи.

Содиқов Толиб, меҳнаткашлар депутатлари Чилонзор район Совети ижроия комитети раисининг вазифасини бажарувчи, 37-Тельман округи.

Кадишев Степан Иванович, Ўрта Осиё иқтисодий райони Ҳалқ хўжалиги кенгашининг раиси, 38-Гвардия округи.

Каримов Абдусаттор Каримович, Тошкент уйсозлик комбинатининг директори, 39-Чилонзор округи.

Вотинцов Юрий Всеволодович, ҳарбий хизматчи, 40-Волгоград округи.

Игнатова Раиса Сергеевна, карборунд заводининг кислота сараловчиси, 41-Фрунзе округи.

Костин Григорий Иванович, «Таштекстильмаш» заводи темирчилик-пресс цехининг пайвандчиси, 42-Индустриал округи.

Каймаков Петр Васильевич, Ўзбекистон КП Тошкент саноат область комитетининг биринчи секретари, 43-Тўқимачилик округи.

Абдуллаев Зикрулла Абдуллаевич, Тошкент тўқимачилик комбинатининг директори, 44-Завод округи.

Ершова Нина Васильевна, Тошкент тўқимачилик комбинати 1-тўқув фабрикасининг тўқувчиси, 45-Дзержинский округи.

Хўжаев Аъзам Ашрапович, меҳнаткашлар депутатлари Тошкент саноат область Совети ижроия комитетининг раиси вазифасини бажарувчи, 48-Оҳангарон округи.

Ҳамидов Азиз Ҳакимович, Ўзбекистон ССР энергетика ва электрлаштириш министри, 49-Фарҳод-шаҳар округи.

Фармонов Қосим, Бекобод цемент комбинати айланма печларининг машинисти, 50-Бекобод-шаҳар округи.

Тошматов Қурбонали, В. И. Ленин номидаги Ўзбекистон металлургия заводининг прокат цехи тунука станининг мастери, 51-Металлургия округи.

Зондов Миргиёс Аббосович, Ўзбекистон КП Тошкент саноат область комитетининг иккинчи секретари, 53-Бўсағв округи.

Анисимкин Иван Георгиевич, Ўрта Осиё Ҳалқ хўжалиги кенгаши Химия саноати бош бошқармасининг бошлиғи, 54-Химзавод округи.

Снегирев Александр Яковлевич, «Ўзбекхиммаш» заводининг токари, 55-Марказий округ.

Ҳайдарова Гавҳар Қодировна, меҳнаткашлар депутатлари Чирчиқ шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси, 56-Сельмаш округи.

Светленко Георгий Георгиевич, Ўзбекистон КП Оҳангарон шаҳар комитетининг биринчи секретари, 57-Шахтёр округи.

Алиқулов Хўжа, «Ўзбекуголь» комбинати кўмир разрези экскаваторчиларининг бригада бошлиғи, 58-Тешиктош округи.

Мансурова Муқаддам Файзиевна, Оҳангарон ГРЭС электр цех бошқармаси асосий шчитининг навбатчиси, 59-Энергетик округи.

Лебедков Андрей Дмитриевич, «Средазуголь» комбинатининг бошлиғи, 60-Янги шаҳар округи.

Турсунбоев Юсуфбой, Янгийўл гидролиз заводи автомат қозонининг машинисти, 61-Янгийўл-шаҳар округи.

Мусахонова Хадича Раимовна, Ўзбекистон КП Тошкент саноат область комитетининг секретари, 62-Завод округи.

Голубев Михаил Степанович, қурувчилар бригадасининг бошлиғи, 63-Янгиобод округи.

Ражабов Турғун, Бўка ишлаб чиқариш бошқармаси партия комитетининг секретари, 64-Бўка округи.

Жумабоева Қундуз, Бўка ишлаб чиқариш бошқармасидаги Ильич номли колхоз аъзоси, 65-Оқтепа округи.

Ниёзова Саври, Пискент пахта тозалаш заводининг ишчиси, 66-Пискент округи.

Қодиров Ҳаким, Бўка ишлаб чиқариш бошқармасидаги Тельман номли колхоз трактор-далачилик бригадасининг бошлиғи, 67-Саид округи.

(давоми 4-бетда).

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ

Поклонский Павел Семенович, В. И. Ленин номидаги Олтиноғган қўрғошин-рух комбинатининг директори, 46-Олмалиқ округи.

Саидов Мамажон, «Ўзэлектромонтаж» Олмалиқ бошқармаси электрчиларининг бригада бошлиғи, 47-Қурилиш округи.

МАМЛАКАТ ПАХТАКОРЛАРИНИНГ КАТТА ВАЗИФАЛАРИ

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати пахтачиликни бутун чоралар билан ривожлантириш тўғрисида муттасил ғамхўрлик қилмоқдалар. Ҳар йил хўжаликнинг мана шу энг муҳим тармоғига жуда катта маблағлар сарфланмоқда, ғоят кучли техника берилмоқда, пахтачиликда катта ирригация қурилиши олиб борилмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг 1953 йилдаги сентябрь Пленумидан кейин совет пахтачилигида айниқса катта ўзгаришлар рўй берди. Шу йиллар ичида пахтакор республикаларга неча марталаб борган ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг кўрсатмаларига ва маслаҳатларига амал қилаётган пахтакорлар ғўзани парвариш қилишнинг прогрессив усулларини дадил жорий қилмоқдалар, деҳқончилик маданиятини оширишга эришмоқдалар. Натижада илғор хўжаликлар ва бутун-бутун областлар пахтадан мўл ҳосил олмоқдалар, Ватанга арзон маҳсулот бермоқдалар.

Қўқлам арафасида барча пахтакор республикаларда катта ташкилотчилик ишлари авж олдириб юборилди. Яқинда Душанбада, Тошкентда, Ашхободда, Бокуда, Фрунзеда қишлоқ хўжалик ходимларининг кенгашлари бўлиб ўтди. Пахтакорларнинг вазифалари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленумида, шунингдек ёш механизаторларнинг Бутуниттифоқ слётида муҳокама қилинди. Докладчилар ва нотиқлар пахтачиликдаги ишларнинг аҳволи тўғрисида жиддий равишда ташвишланиб гапирдилар. Илғор хўжаликларнинг пахтакорлари ва айрим ишлаб чиқариш бошқармалари эришган ончагина муваффақиятлар билан бир қаторда, умуман пахта етиштираётган республикалар мамлакат олдида кўпгина қарздор бўлиб қолдилар, улар етти йиллик планда мўлжалланган даражага эришганлари йўқ.

Туркманистон ССР раҳбарлари пахтачилик орқада қолаётганлиги учун қаттиқ танқид қилинди. Кейинги йилларда бу республикада пахтанинг ялпи ҳосили кўпайиш ўрнига, ҳатто, экин майдонлари бир неча ўн минг гектар кенгайтирилганига қарамай, камайиб кетди. Республикадаги хўжаликларнинг ярмидан кўпроғи 1962 йилда гектар бошига 15 центнерга етар-етмас ҳосил олди. Ўзбекистоннинг Фарғона, Тошкент, Бухоро, Андижон областларида жиддий камчиликларга йўл қўйилмоқда.

Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғи орқада қолаётганлигига сабаб шуки, колхозларда ва совхозларда ташкилотчилик иши бўшашиб кетган, деҳқончилик маданияти ҳали ҳам паст, сув хўжалигининг айрим ходимлари суғориш шохобчаларининг аҳволига ва улардан фойдаланишга масъулиятсизлик билан қараб келдилар, шунингдек пахтазорларда машиналардан етарли фойдаланилмади.

Февраль ойида бўлиб ўтган кенгашлар пахтакор районларнинг меҳнаткашлари ўзларининг коммунистик қурилишнинг масъулиятли участкаларидан бирида турганликларини ва пахтачиликни ривожлантиришни давлатнинг бу қиймати хом ашёга бўлган ҳамма эҳтиёжларини қондирадиган даражага етказишни таъминлашлари лозимлигини яхши англаганликларини кўрсатди. Пахтакорлар ўз имкониятларини пухта ўйлаб кўриб, етти йилликнинг бешинчи йили учун янги марраларни белгилаб олдилар. **Бу йил Ўзбекистон меҳнаткашлари Ватанга 3 миллион 566 минг тонна «оқ олтин» бериш учун курашни авж олдирмоқдалар, Тожикистонда 540 минг тонна, Туркманистонда 500 минг тонна, Озарбайжонда 405 минг тонна, Қирғизистонда 158 минг тонна пахта етиштириш мўлжалланди.**

Бу — масъулиятли мажбуриятлардир. Колхозчилар, совхозларнинг ишчилари, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги мутахассислари, ишлаб чиқариш бошқармаларининг раҳбарлари, партия комитетларининг ходимлари кўп ва зўр бериб ишлашлари керак.

Тошкент областидаги Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармасининг пахтакорлари ажойиб ташаббус кўрсатдилар. Улар Кубань галлакорларининг чақирғига жавобан 1963 йилда гектар бошига 27,1 центнердан ҳосил етиштириб, давлатга ўтган йилдагига қараганда 6,4 минг тонна кўп пахта топшириш қарор қилдилар. Бу ташаббусни КПСС Марказий Комитети мақуллади. Янгийўлликлардан ўрнак олиб, кўпроқ пахта етиштириш учун мусобақага қўшилаётган коллективлар тобора кўпаймоқда.

Пахта етиштиришни кескин кўпайтириш учун кураш манфаатлари қишлоқ меҳнаткашлари олдига кўпгина муҳим ишларни кундаланг қилиб қўймоқда. **«Пахтачиликни ривожлантиришнинг конкрет вазифалари орасида,** — деди Н. С. Хрушчев, — **пахтанинг ҳосилдорлигини оширишни, ҳар бир колхоз ва совхозда гектар бошига камида 25 центнер пахта олишни энг зарур вазифа қилиб қўйиш керак».**

Гектар бошига 30-40 центнер ҳосил олаётган хўжаликлар билан бир қаторда пахтадан олаётган ҳосили кўп йиллардан бери 12-15 центнердан ошмаётган колхозлар ва совхозларнинг бўлишига ортиқ тоқат қилиб бўлмайди. Қўйилган мақсадга эришишнинг конкрет йўлларини маҳаллий шарт-шароитни назарда тутиб белгилаб олмоқ учун ҳар бир хўжаликнинг ва ишлаб чиқариш бошқармасининг имкониятларини синчиклаб анализ қилиб чиқиш керак. Қолоқ хўжаликларни энг яхши хўжаликлар даражасига етказиб олиш — пахтанинг ялпи ҳосилини кўпайтиришнинг асосий резервидир.

Чигит экишдан тортиб пахта ҳосилини териб олишгача бўлган ишларнинг ҳаммасини комплекс механизациялашни кенг жорий қилмасдан туриб, пахтачиликни янада ривожлантириш, қишлоқ хўжалигининг бу тармоғида меҳнат унумдорлигини ошириш мумкин эмас. Колхозлар ва совхозларда мураккаб техниками мукаммал эгаллаб олган тажрибали кадрлар ўсиб етишди. Булар орасида В. Тюпко, Ж. Кўчиев, Т. Охунова, М. Жалолов, С. Казиева, Я. Нуриев, С. Тавсян ва бошқа шулар каби кўпгина комплекс механизация усталари бор. Уларнинг тажрибалари билан минг-минглаб колхозчиларни ва совхоз ишчиларини қуроллантириш, техникадан яхши фойдаланиш учун ҳамма жойда мусобақани авж олдириш зарур. Пахтакор республикаларидаги ёш механизаторларнинг яқинда бўлиб ўтган Бутуниттифоқ слёти қатнашчиларининг чақирғини мамлакат пахтакорлари қизғин маъқуллаб ва қувватладилар. Слёт қатнашчилари етти йилликнинг бешинчи йилини пахтачиликда комплекс механизацияни кенг жорий қилиш йилига айлантиришни таклиф қилдилар.

Ўрта Осиё далаларида қўқлам ишлари қизғин бормоқда. Колхозлар ва совхозлар чигит экишни авж олдириб юборадиган кун яқинлашиб қолди. Бу масъулиятли пайтга яхши тайёрланмоқ керак. **Гап шундаки, чигит экиш бошлангунча колхозлар ва совхозлар далаларни текислаш ва ерни ишлаш, ариқ ва зовурларни, гидротехника иншоотларини ремонт қилиш ва тозалаш ишларини тўла равишда тамомлашлари, ҳамма тракторларни, селкаларни ва бошқа машиналарни ишлаш учун тахт қилиб қўйишлари, ҳар бир экиш агрегатига тажрибали механизаторларни бириктириб қўйишлари керак.** Колхозлар ва совхозлардаги, ишлаб чиқариш бошқармаларидаги мутахассисларнинг бурчи шуки, улар ҳамма ишларни чигит экишни энг яхши муддатларда ўтказадиган ва ҳар бир гектардан мўл ҳосил олишни таъминловчи агротехника тадбирларининг бутун комплексини албатта бажарадиган қилиб планлаштиришлари ва ташкил этишлари лозим.

Бутун мамлакат пахтакорларининг ишини зўр эътибор бериб кузатиб турибди. Шунинг учун уларнинг Коммунистик партия қўйган катта вазифаларни шараф билан бажаришларига ва бу йил пахтачиликни юксалтиришда янги марраларни қўлга киритишларига шаксўбҳа йўқ.

(«ПРАВДА»нинг 6 мартдаги бош мақоласи).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ДЕПУТАТЛАРИ

(Боши 3-бетда)

Иброҳимов Исмоил, Оққўрғон ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг директори, 68-Қизил Октябрь округи.

Икромов Искандар Икромович, Ўзбекистон Рассомлар союзи правлениесининг раиси, 69-Куйи Чирчиқ округи.

Тоғабоев Кўнсубой, Оққўрғон ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Коммунизм» совхозининг лубкорлик бригадаси бошлиғи, 70-Кўрғонча округи.

Тоиров Сеит Маматович, Оққўрғон ишлаб чиқариш бошқармаси партия комитетининг секретари, 71-Алимкент округи.

Глазатов Павел Федорович, Пахта териш бўйича давлат махсус конструкторлик бюросида бўлим бошлиғи, 72-Оққўрғон округи.

Веселов Семён Михайлович, КПСС Марказий Комитети Ўрта Осиё Бюроси раисининг ўринбосари, 73-Ангор округи.

Хўжаев Жўра, Ўзбекистон КП Марказий Комитети ҳузуридаги Партия комиссиясининг раиси, 74-Тўйтепа округи.

Ҳасанова Умри, Ўрта Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасидаги «XXII партсъезд» колхози комплекс пахтачилик бригадасининг бошлиғи, 75-Қорасув округи.

Ким Пен Хва, Ўрта Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Полярная звезда» колхозининг раиси, 76-Охунбобоев округи.

Давронова Тошбуви, Ўрта Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Оҳангарон» совхозининг ишчиси, 77-Облиқ округи.

Хван Ман Гим Григорьевич, Юқори Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Политотдел» колхозининг раиси, 78-Бордонкўл округи.

Ладушкин Илья Иванович, Юқори Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармаси партия комитетининг секретари, 79-Янгибозор округи.

Азимов Сарвар, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ва ташқи ишлар министри, 80-Паркент округи.

Руцкий Александр Иванович, меҳнаткашлар депутатлари Сирдарё область Совети ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари вазифасини бажарувчи, Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш область бошқармасининг бошлиғи, 81-Номданак округи.

Эштоев Аширмат, Юқори Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Қизил ту» колхозининг чўпони, 82-Бўстонлиқ округи.

Жумашева Гулойша, 13-«Бўстонлиқ» совхозининг ишчиси, 83-Бурчмулла округи.

Алимов Акрам Пўлатович, меҳнаткашлар депутатлари Калинин район Совети ижроия комитетининг раиси, 84-Оржоникидзе округи.

Эгамназаров Анвар, Калинин ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозида механизациялашган пахтачилик бригадасининг бошлиғи, 85-Қибрай округи.

Исроилова Зулфия, шоира, «Ўзбекистон хотин-қизлари» журналининг редактори, 86-Байтқўрғон округи.

Чудная Анастасия Ивановна, чорвачилик институти «Красный водопад» экспериментал базасининг сут соғувчиси, 87-Куйбишев округи.

Ортиқова Мастура, Калинин ишлаб чиқариш бошқармасидаги Киров номли колхоз аъзоси, 88-Киров округи.

Нормуҳамедов Туроб, Калинин ишлаб чиқариш бошқармасидаги Ленин номли колхоз раиси, 89-Жамбул округи.

Арнаутов Иван Родионович, Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Партия-давлат контроли комитети раисининг ўринбосари, 90-Қўйлиқ округи.

Браилов Анатолий Васильевич, Ўзбекистон касаба союзлари Советининг секретари, 91-Сергели округи.

Исоқова Мунаввар, Калинин ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Ўзбекистон» колхозининг сут соғувчиси, 92-Юнусобод округи.

Маҳкамова Қамар, меҳнаткашлар депутатлари Тошкент қишлоқ область Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари, 93-Келес округи.

Костриков Петр Васильевич, Ўзбекистон КП Тошкент қишлоқ область комитетининг иккинчи секретари, 94-Калинин округи.

Шайхов Эркин Турдиевич, меҳнаткашлар депутатлари Тошкент қишлоқ область Совети ижроия комитетининг раиси, 95-Ленин округи.

Абдуллаев Ғуломмаҳмуд, Калинин ишлаб чиқариш бошқармасидаги К. Маркс номли колхоз раиси, 96-Қатортол округи.

Ортиқов Абдулла, Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Ленинизм» колхозининг раиси, 97-Свердлов округи.

Абдурахмонова Муҳаббат, Янгийўл районидаги, 14-ўрта мактаб ўқитувчиси, 98-Ниёзбоши округи.

Камолов Маҳкам, Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармаси партия комитетининг секретари, 99-Янгийўл қишлоқ округи.

Отабоева Роза, Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармасидаги Калинин номли колхоз маккажўхорикорлик бригадасининг бошлиғи, 100-Эскиковунчи округи.

Раимова Турсуной, Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармасидаги Охунбобоев номли колхоз трактордалачилик бригадасининг бошлиғи, 101-Чиноз округи.

Сотиболдиев Исмоил, Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи, 102-Вревский округи.

Умаралиев Мамарафиқ, Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Москва» колхози трактор-далачилик бригадасининг бошлиғи, 103-Эски Тошкент округи.

Мақсумов Мамажон, Ўзбекистон ССР Олий судининг раиси, 116-Пушкин округи.

Алиева Юлдуз, Янгиер ишлаб чиқариш бошқармасидаги Ленин номли колхоз пахта териш машинасининг механик-ҳайдовчиси, 117 Далварзин округи.

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент саноат область Советига сайланган депутатлар рўйхати

Хушвоқов Қаҳҳор — «Узбекуголь» комбинати 9-шахтаси 4-участкасининг лесогони — 1-Жигаристон сайлов округидан.

Гурьянов Василий Иванович — Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Давлат Хавфсизлиги Комитетининг Тошкент области бўйича бўлим бошлиғи 2-Гулистон сайлов округидан.

Аҳмедова Матба Мирсаидовна — Тошкент саноат область Совети ижроия комитети раиси ўринбосари вазифасини бажарувчи — 3-қурилиш сайлов округидан.

Каймаков Петр Васильевич — Тошкент саноат область партия комитетининг биринчи секретари — 4-Горняк сайлов округидан.

Суслов Николай Васильевич — «Узбекуголь» комбинати кўмир разрезининг бошлиғи — 5-Школьний сайлов округидан.

Нагайченко Зинаида Михайловна — Оҳангарон цемент заводи айланма печининг машинисти — 6-Цемзавод сайлов округидан.

Ғафуров Рашид Ғафурович — Область саноат ижроия комитети ҳузуридаги область саноат план бўлимининг раиси — 7-темир йўл сайлов округидан.

Шералиев Мурод Шералиевич — Тошкент область ижроия комитети жамоат тартибини Муҳофаза қилиш бошқармасининг бошлиғи — 8-Первомайский сайлов округидан.

Қаршиев Абдулла — Оҳангарондаги «Узбекуголь» комбинати 9-шахтаси 4-участкасининг навалоотбойщиги — 9-Восточний сайлов округидан.

Мўминов Иброҳим Солиевич — Тошкент саноат область ижроия комитети халқ маорифи бўлимининг мудири — 10-педагог сайлов округидан.

Нигматуллаев Жаъфархон — Оҳангарондаги «Узбекуголь» комбинати кон устини очиш разрезининг экскаватор машинисти — 11-Оҳангарон сайлов округидан.

Карпович Антонина Осиповна — «Ангрен ГРЭСстрой» қурилиш бригадасининг бригадири — 12-Марказий сайлов округидан.

Ведишева Антонина Ильинична — Оҳангарон ГРЭС электролиз установкасининг навбатчиси — 13-Тошкент сайлов округидан.

Ларина Александра Михайловна — Оҳангарондаги 6-қурилиш бошқармасининг бетончиси — 14-Горький сайлов округидан.

Азимов Икром Расулевич — Оҳангарон шаҳар ижроия комитетининг раиси — 15-Красноармейский сайлов округидан.

Суварова Зинаида Фоминична — 4-темир-бетон буюмлари заводи бетончиси — 16-Новогород сайлов округидан.

Гасанова Мария Тимофеевна — «Узбекшахтострой» трести 3-қурилиш бошқармасининг сувоқчиси — 17-Комсомол сайлов округидан.

Шарипова Фаина Муҳамедовна — Оҳангарон шаҳар медицина санитария қисми касалхонаси терапия бўлимининг мудири — 18-Димитров сайлов округидан.

Голубенко Алексей Александрович — Саноат область партия комитетининг бўлим мудири — 19-Охунбобоев сайлов округидан.

Раҳмонов Самад — 4-қурилиш бошқармаси комплекс қурилиш бригадасининг бригадири — 20-Хонобод сайлов округидан.

Икромов Муҳиддин — ДОСААФ Тошкент область Советининг раиси — 21-Марказий сайлов округидан.

Йўлдошев Исмат — «Узбекшахтострой» трести Оҳангарон 1-қурилиш бошқармаси 1-участкасининг дурадгори — 22-Қурилиш сайлов округидан.

Одилов Собир — Қурилиш ва архитектура ишлари область бўлимининг бошлиғи — 23-Привокзальний сайлов округидан.

Расулева Васила Отажоновна — Тошкент область судининг раиси — 24-Темир йўл сайлов округидан.

Воспитанникова, Надежда Ефремовна — Олтинтопган комбинати қўрғошин бойитиш фабрикасининг флотатори — 25-Школьний сайлов округидан.

Котов Виктор Тихонович — Ўзбекистон КП Олмалиқ шаҳар комитети саноат бўлимининг мудири — 26-Маяковский сайлов округидан.

Зоидов Мирғиёс Аббосович — Тошкент саноат область партия комитетининг иккинчи секретари — 27-Совет сайлов округидан.

Толмачев Михаил Ильич — Қўрғошин конининг экскаватор машинисти — 28-Коммунист сайлов округидан.

Безруков Михаил Николаевич — Олтинтопган комбинати қуюв цехининг қолипчиси — 29-Охунбобоев сайлов округидан.

Книш Арсентий Григорьевич — Олтинтопган комбинати Қалмоққир кони бурғи станок машинисти — 30-Олмалиқ сайлов округидан.

Еремина Анастасия Дмитриевна — Олмалиқ шаҳар 2-мактаб ўқитувчиси — 31-Навоий сайлов округидан.

Муҳамедов Вали Муҳамедович — Ўзбекистон КП Олмалиқ шаҳар комитетининг секретари — 32-Ленин сайлов округидан.

Ражабов Восит — Тошкент область автотрестининг бошқарувчиси — 33-Киров сайлов округидан.

Коробейников Александр Александрович — саноат область партия комитети партия органлари бўлимининг инструктори — 34-Чехов сайлов округидан.

Муҳамедов Эргаш Муҳамедович — область савдо бошқармасининг бошлиғи — 35-Фрунзе сайлов округидан.

Шкуратов Александр Иванович — Ўзбекистон КП Тошкент саноат область комитети ҳузуридаги партия комиссиясининг раиси — 36-Ломоносов сайлов округидан.

Ғозиқулов Низом — «Алмаликсвинецстрой» трести 3-қурилиш бошқармаси комплекс бригадасининг бригадири — 37-Треет сайлов округидан.

Распопина Людмила Ивановна — «Алмаликсвинецстрой» трести 1-қурилиш бошқармаси сувоқчилар бригадасининг бригадири — 38-Октябрь сайлов округидан.

Чернов Юрий Георгиевич — «Алмаликсвинецстрой» трести бош инженерининг ўринбосари — 39-Ушинский сайлов округидан.

Мирҳўжаев Мирвали — коммунал-хўжалик министрлиги ҳузуридаги ГТИ бошлиғи — 40-Самарқанд сайлов округидан.

Разживина Татьяна Алексеевна — «Алмаликсвинецстрой» трести механизация бошқармасининг автокранчиси — 41-Комсомол сайлов округидан.

Бурцев Николай Иванович — Олтинтопган комбинати қўрғошин рух саралаш фабрикасининг бошлиғи — 42-Горький сайлов округидан.

Мирзахолов Исроил — Фарҳод ГЭСи электромашина цехининг электромонтёри — 43-Фарҳод сайлов округидан.

Маматисоев Йигит — Бекобод шаҳар ижроия комитетининг раиси — 44-Комсомол сайлов округидан.

Лавро Ганна Марковна — «Чирчиқхимстрой» бетончиси — 66-Троицкий сайлов округидан.

Абдуҳамидов Абдусамат Абдуҳамидович — Чирчиқ шаҳридаги 160-қурилиш трестининг бошқарувчиси — 67-Оққовоқ сайлов округидан.

Ибрагимова Комила Ахтямовна — 7-юмалоқ заводи йўллар старший мастери — 68-Бўзсув сайлов округидан.

Шерматов Маҳмуд — 7-юмалоқ заводи керамзит печь машинисти — 69-Темир йўл сайлов округидан.

Ширшикова Зоя Анисимовна — Чирчиқ электрохимкомбинати мастери — 70-ИТР сайлов округидан.

Криллова Анастасия Ивановна — «Электрохимкомбинат» электроремонт цехининг электрообмотчиги — 71-Химзавод сайлов округидан.

Қодиров Воҳид — «Электрохимкомбинат» бош инженери — 72-Свердлов сайлов округидан.

Ёқубов Фаттоҳ Ғафурович — Чирчиқ шаҳар партия комитетининг биринчи секретари — 73-Осипенко сайлов округидан.

Котляров Петр Васильевич — «Узбекхиммаш» заводи бригадири — 74-Фрунзе сайлов округидан.

Юсупова Оқила Умаровна — Тошкент саноат область ижроия комитетининг секретари — 75-Совет сайлов округидан.

Приведенцева Варвара Тихоновна — «Чирчиксельмаш» заводи қуюв цехининг ишчиси — 76-Қурилиш сайлов округидан.

Бородаченко Данил Афанасьевич — «Узбекхиммаш» заводи қозончиси — 77-Ленин сайлов округидан.

Рогачев Сергей Федорович — Тошкент саноат область партия комитетининг бўлим мудири — 78-Захов сайлов округидан.

Аблязова Латифа — Чирчиқ тикув фабрикасининг упаковкачиси — 79-Школьний сайлов округидан.

Чернова Ольга Александровна — Максим Горький номли драма театрининг режиссери — 80-Коммунист сайлов округидан.

Мирзараҳимов Носир Раҳимович — Тошкент саноат область партия комитетининг бўлим мудири — 81-Маяковский сайлов округидан.

Умарҳўжаев Абдураҳим Ҳамидович — Ўзбекистон ССР Молия министрлиги давлат даромади бошқармасининг бошлиғи — 115-Молодёжний сайлов округидан.

Ҳошимов Бурхон Илёсович — область соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири — 116-Транспорт сайлов округидан.

Салоҳитдинов Холмат — Чирчиқ шаҳар ўтга чидамли ва қийин эрийдиган металлар комбинати 1-цехининг пайвандловчиси — 63-завод сайлов округидан.

Поздняк Валентина Степановна — ўтга чидамли ва қийин эрийдиган металлар комбинатининг цех тикловчиси — 64-Шчорс сайлов округидан.

Раҳматов Исмоил Раҳматович — Тошкент саноат область партия комитетининг секретари, саноат область Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари Партия-Давлат Контроли Комитетининг раиси 65-Красногвардейск сайлов округидан.

Лавро Ганна Марковна — «Чирчиқхимстрой» бетончиси — 66-Троицкий сайлов округидан.

Ғуломов Ҳамид Убайдуллаевич — Ўзбекистон ёзувчилар союзи правлениесининг секретари — 45-Маяковский сайлов округидан.

Бабкова Мария Тимофеевна — Бекобод цемент комбинатининг химик-аналитиги — 46-Коммунист сайлов округидан.

Барков Николай Егорович — Ўзбекистон комсомоли Тошкент саноат область комитетининг секретари — 47-Ленин сайлов округидан.

Хуснутдинов Иброҳим Камолович — Бекобод шаҳар партия комитетининг биринчи секретари — 48-Ломоносов сайлов округидан.

Звенигородская Тамила Ивановна — Бекобод цемент комбинати айланма печикинг машинисти — 49-цемент комбинати сайлов округидан.

Ҳазратқулова Онахон — Бекобод цемент комбинати машинист ёрдамчиси — 50-Шчербаков сайлов округидан.

Соловьев Николай Семенович — Бекобод темир-бетон буюмлари заводи хомашё цехининг электрпайвандчиси — 51-Запорожье сайлов округидан.

Илюхин Александр Меркулович — Тошкент саноат область Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари — 52-Октябрь сайлов округидан.

Стажило Анатолий Леонтьевич — «Ташкентская правда» газетасининг редактори — 53-Қурилиш сайлов округидан.

Володин Юрий Вячеславович — область саноат касаба союзлари Совети ташкилот бюросининг раиси — 54-Школьний сайлов округидан.

Турсунова Нурия — «Беговатторг» сотувчиси — 55-Ленинград сайлов округидан.

Акбаров Тожали — Металлургия заводи мартен цехининг завалка машинасининг машинисти — 56-Металлург сайлов округидан.

Муҳамедов Иброҳим Файзиевич — Ўзбекистон металлургия заводининг директори — 57-Москва сайлов округидан.

Ходак Ольга Антоновна — Бекобод шаҳридаги 704-УНР сувоқчиси — 58-Ўзбекистон сайлов округидан.

Буданцева Татьяна Федоровна — «Чирчиксельмаш» заводининг электрпайвандчиси — 82-Сельмаш сайлов округидан.

Ҳамидова Нури — Чирчиқ пойафзал фабрикасининг бичувчиси — 83-энергетика сайлов округидан.

Постнова Зоя Иосифовна — «Чирчиксельмаш» заводи 5-цехининг ишчиси — 84-комсомол сайлов округидан.

Дугина Антонина Давидовна — «Электромаш» заводининг коммутатчиги — 85-Горький сайлов округидан.

Савин Иван Михайлович — Тошкент саноат область партия комитетининг бўлим мудири — 86-Дзержинский сайлов округидан.

Хўжаев Аъзам Ашрапович — Тошкент саноат область ижроия комитетининг раиси — 87-Чапаев сайлов округидан.

Цепюк Нина Евстафьевна — Тошкент саноат область ижроия комитети маданият бошқармасининг бошлиғи — 88-Профсоюз сайлов округидан.

Горбенко Нина Леонидовна — ғишт заводлари бошқармасининг ғишт тахловчиси — 89-темир йўл сайлов округидан.

Азимжонова Саодат — Янгийўл пойафзал фабрикаси 2-цехининг ишчиси — 90-Киров сайлов округидан.

Душин Виктор Андреевич — Янгийўл гидролиз заводининг директори — 91-Первомайский сайлов округидан.

Попова Ольга Яковлевна — Нормал заводининг штамповкачиси — 92-Янгийўл шаҳар сайлов округидан.

Муҳаммаджонова Марьям Муҳамедовна — Янгийўл гўшт комбинати ишчиси — 93-Марказий сайлов округидан.

Фролов Иван Иванович — Тошкент гарнизонининг ҳарбий хизматчиси — 94-Калинин сайлов округидан.

Алиев Усмон Халилович — Янгийўл пойафзал фабрикасининг фрезерчиси — 95-Октябрь сайлов округидан.

Дацковский Илья Викторович — 6-область қурилиш трестининг бошқарувчиси — 96-Янгиҳаёт сайлов округидан.

Эрназаров Зухур Файзуллаевич — Ўзбекистон КП Янгийўл шаҳар комитети саноат бўлимининг мудири — 97-Ишчи сайлов округидан.

Кунгуров Кирилл Федотович — Янгийўл шаҳар партия комитетининг секретари — 98-Пролетар сайлов округидан.

Смирнов Евгений Николаевич — область прокурори — 99-Навоий сайлов округидан.

Тўхтаева Ҳолида — 2-босмахона муқовачиси — 100-Файзиобод сайлов округидан.

Хожибоева Сахат — Янгийўл нон заводи хамир қориш машинасининг машинисти — 101-Гулистон сайлов округидан.

Олимжонова Мамлакат — Янгийўл ёғ-мой комбинати аппаратчиси ёрдамчиси — 102-Интернационал сайлов округидан.

Тожибоев Абдусамат — Янгийўл шаҳар 8-автобаза шофери — 103-Ленин сайлов округидан.

Нишонбоев Ғуломқодир — 6-Тошкент область қурилиш трести қурилиш-монтаж бошқармасининг бетончиси — 104-Завод сайлов округидан.

ОБЛАСТЬ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ

30 МИНУТ ҲАҚИДА СУҲБАТ

Ҳар бир инженер-техник ходим йил мобайнида битта экскаватор ишлаб чиқаришга кетадиган меҳнат сарфиётини камида 30 минутга камайтирсин!

Тошкент экскаватор заводи инженер-техник ходимлари томонидан бошланган ва ҳар қанча қўллаб қувватласа арзийдиган бу ташаббус тобора кенг ёйилаётгани бечиз эмас. Шу кунларда экскаваторсозлар тўплаган дастлабки тажрибаларни ўрганиш ниятида заводга кўплаб мутахассислар келиб кетишмоқда. Яқинда «Таштекстильмаш», «Ташавтомаш» ва бошқа машинасозлик корхоналаридан бир группа мутахассислар келиб, «Инженерлик соати» ташаббускорларининг иши билан чуқур танишишди. Андижонлик инженер-техник ходимлар ҳам бу ҳаракатга қўшилишди. Қирғизистон, Белоруссия, Украина машинасозлари меҳнатга коммунистик муносабатнинг бу янги формасини қўллаб-қувватлаётганликлари ҳақида хабар қилишди.

Янги ҳаракат бошланганига икки ойча вақт бўлди. Бу соҳада дастлабки тажрибалар тўпланди. Яқинда завод клубида бўлиб ўтган кенгаш-семинар қатнашчилари «Инженерлик соати» байроқдорларининг тажрибалари билан чуқур танишдилар.

Корхона директори ўртоқ Н. Крилов инженер-техник ходимларнинг икки ой ичида эришган муваффақиятлари ҳақида сўзлаб берди.

Кенгаш-семинар қатнашчилари ўзларини қизиқтирган масалалар бўйича саволлар беришди. Кейин улар завод цехларида бўлиб экскаваторсозларнинг меҳнати, техникани тараққий эттириш соҳасида эришилган муваффақиятлар билан батафсил танишдилар.

Тошкент, Бекобод, Чирчиқ, Олмалиқ шаҳарларидаги саноат корхоналарининг директорлари, партия ташкилотининг секретарлари, мутахассислар қатнашган бу семинар жуда қизиқарли ўтди. Унда саноат область партия комитети оғир саноат, машинасозлик ва транспорт бўлими мудири ўртоқ Н. Мирзараҳимов иштирок этди.

Юқори Чирчиқ бошқармасидаги «Политотдел» колхозининг донги бутун мамлакатга машҳур. Куни кеча ана шу колхозга илғор тажрибаларни ўрганиш мақсадида Украинанинг Донецк областидаги Великоновосельковский районидан қишлоқ хўжалик делегацияси келди.

Делегация 14 кишидан иборат. Уларнинг орасида колхоз раҳбарлари, агрономлар, звено бошлиқлари ва бошқа қишлоқ хўжалик мутахассислари бор. Киров номли колхознинг агрономи В. Д. Авксентьев, «Завет Ильича» колхозининг агрономи В. Е. Афендиков, «Заря коммунизма» колхозининг звено бошлиғи А. П. Мелишко ва бошқа ўртоқлар шулар жумласидандир.

Меҳмонлар колхозда бирнеча кун бўлиб, қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришнинг ташкил қилиниши, маккажўхори етиштириш соҳасидаги тажрибалар билан танишадилар.

Колхоз агрономи Пак Андрей меҳмонларга колхознинг кейинги йиллардаги юксалиш йўллари, экинлар структурасининг жойланиши ва навбатдаги вазифалар ҳақида гапириб берди. Украиналик деҳқонлар колхозчиларнинг даромади, уларнинг йиллик иш ҳақи, меҳнатни ташкил қилиш масалалари билан қизиқдилар.

Украина деҳқонлари „Политотдел" колхозида

— Бизни, — деб айтишди украиналик деҳқонлар, — Любовь Ли бригадаси аъзоларининг иш тажрибаси кўпроқ қизиқтиради.

Украиналиклар Любовь Линнинг даласига қараб йўл олдилар. Донгдор маккажўхорикор Любовь Ли уларга тупроқни экишга тайёрлаш соҳасида қилинаётган ишлар, уруғликни танлаш ва саралашнинг қандай ташкил қилиниши, маккажўхорини парвариш қилиш йўллари ҳақида гапириб берди.

— Раҳмат, — дейишди меҳмонлар, — сизлардан кўп нарсани ўрганса бўлади.

Қардош Украинадан келган қишлоқ хўжалик делегациясининг аъзолари колхоз ҳаёти ва меҳнаткашларнинг турмуши билан танишишни давом эттирмоқдалар.

СУРАТДА: маккажўхорикорлик бригадасининг бошлиғи Любовь Ли меҳмонларга маккажўхори уруғининг навлари тўғрисида гапириб бермоқда.

ҚАРДОШЛАРЧА ҲАМКОРЛИК

Москвада Совет Иттифоқи билан Куба Республикаси ўртасида 1963 йилга мўлжалланган маданий ва илмий ҳамкорлик плани юзасидан музокаралар бўлиб ўтди. Музокаралар тўла ҳамжиҳатлик ва самимий дўстлик руҳида ўтди.

Ҳар иккала томон мамнуният билан қайд қилдиларки, 1962 йилга мўлжалланган планда кўзда тутилган тадбирларнинг муваффақиятли бажарилиши натижасида Совет Иттифоқи билан Куба Республикаси ўртасидаги маданий ва илмий алоқалар янада ривожланди ҳамда совет ва Куба халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш ишига муҳим ҳисса бўлиб қўшилди. Томонлар ҳар иккала мамлакат ўртасида маданий ва илмий алоқаларни бундан буён ҳам ривожлантиришдан манфаатдор эканликларини таъкидладилар.

Музокаралар натижасида Совет Иттифоқи билан Куба Республикаси ўртасида 1963 йилга мўлжалланган маданий ва илмий алоқалар плани ишлаб чиқилди. Фан, олий ва ўрта таълим, маориф, соғлиқни сақлаш ходимлари, артистлар коллективлари, театр санъати ва кино вакилларини бир-бирларига юбориб туришнинг кенг программаси кўзда тутилади. Ижодий союзларнинг алоқалари кенгайтирилади, радио эшиттириш, спорт соҳаларида ҳамкорлик қилиш юзасидан конкрет тадбирлар белгиланди.

Томонлар ишонч билдириб айтдиларки, 1963 йилга мўлжалланган маданий ва илмий ҳамкорлик планининг бажарилиши Совет Иттифоқи билан Куба Республикаси ўртасидаги қардошларча дўстлик ва яқин ҳамкорликни мустаҳкамлаш манфаатларига хизмат қилади.

* * *

План имзоланганидан кейин Кубанинг Совет Иттифоқидаги элчиси Карлос Оливарес Санчес бундай деди:

— Икки қардош халқ ҳамкорлик тўғрисидаги музокараларни шу қадар муваффақиятли тугаллар экан, улар катта ва жуда муҳим ишнинг тугалланиши билан бир-бирларини чин кўнгилдан табриклай оладилар. Элчи музокаралар ҳамжиҳатлик ва самимий дўстлик руҳида ўтганлигини таъкидлади. Янги планнинг имзоланиши, деди у, Совет-Куба муносабатлари ривожланиб ва мустаҳкамланиб бораётганлигидан яна бир марта далолат беради. Элчининг фикрича, Совет Иттифоқи билан ҳамкорлик қилишнинг Куба учун энг муҳим томони — миллий мутахассис кадрлар тайёрлашда Совет Иттифоқи кўрсатаётган ёрдамдир.

Карлос Оливарес Санчес сўзининг охирида ишонч билдириб айтдики, Куба томонининг ҳам, совет томонининг ҳам кучғайрат сарфлаши туфайли 1963 йилга мўлжалланган ҳамкорлик плани бажарилади. Бу эса, ҳар иккала халқ ўртасидаги қардошларча муносабатларни янада кўпроқ мустаҳкамлашга ёрдам беради.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

▲ *Даниянинг Фредериксхавн шаҳридаги кемасозлик заводида миналарни зарарсизлантирувчи «Мен» кемаси сувга туширилди. Бу, ҳарбий кемалар қурилишинг Дания-Америка программаси бўйича қурилган шу турдаги тўрт кемаси ичинчисидир.*

▲ *Испания авиациясининг иккита реактив самолёти Вильянубла ҳарбий аэродроми тепасида тўқнашиб кетди. Ловуллаб ёниб турган самолётлар ерга қулаб тушди. Учувчилар ҳалок бўлди.*

▲ *Рейтер агентлиги мухбирининг Адендан хабар беришича, бу ерга «патруль хизматини ўташ» учун Англиянинг «Кентавр» авианоси келди.*

▲ *1963 йил 1 январда Варшава аҳолиси 1 миллион 189 минг кишидан бўлди.*

▲ *Машҳур итальян маданият арбоблари Ренато Гуттузо ва Эдуардо де Филиппо Совет Иттифоқи билан маданий алоқалар Италия жамияти («Италия — СССР») президиуми составига кирдилар. Бу хабар Италия—СССР жамияти раҳбарлик комитетининг Римда бўлиб ўтган навбатдаги мажлисидан кейин эълон қилинди.*

▲ *Япония молия министрлиги шу йил ноябрь ойидан бошлаб 1000 иенлик янги пул жорий этишга қарор қилди. Янги пулнинг жорий этилиши Япония полициясининг сохта пул ясовчиларни аниқлаш йўлидаги уринишлари натижасиз бўлиб чиқ-канлиги муносабати билан мажбуран кўрилган чорадир.*

▲ *ОАС фашистлар ташкилотининг бошлиқлари полковник Гард ва Сарьенни яқинда Испания маъмурлари қамоқдан бўшатиб юборган эди. Улар Буэнос—Айресга келди. Қочоқлар Аргентина маъмурларидан сиёсий бошпана беришни сўрадилар.*

▲ *Январь ойининг охирида Норвегияда 38.600 ишсиз рўйхатга олинди. Бу эса ўтган йил январь ойидагига нисбатан 13 минг киши кўпдир. (ТАСС).*

ОБ-ҲАВО

Бугун Тошкент шаҳрида ва областида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Эрталаб Тошкентда 1—3, областда 0—3 даража совуқ бўлади. Кундузи Тошкентда 6—8, областда 4—9 даража иссиқ бўлади. Яйловларда ёғингарчилик бўлмаслиги кутилади. Эрталаб 0—5, кундузи 3—8 даража иссиқ бўлади.

Тошкент об-ҳаво бюроси.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

ЭКРАНЛАРДА

8 МАРТДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.00 — **Оналаримизга** (мактаб ўқувчилари учун), 18.30 — **Телевизион янгиликлар**, 18.45 — **Очиқ кўнгилли кишилар орасида** (киноповесть).

Узбек тилида: 20.05 — **Телевизион янгиликлар**, 20.20 — **Байрамингиз кутлуг бўлсин, азиз хотин-қизлар!**, 21.20 — **Рўёбга чиққан орзу** (телевизион фильм), 21.40 — **Концерт** (ўзбек тилида, хотин-қизлар талабига биноан), концертдан кейин — **сўнгги ахборот** (ўзбек ва рус тилларида).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Фрунзе телевидение студияси эшиттириши: 18.00 — **Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган эшиттириш**, 20.10 — **Телевизион янгиликлар**, 20.20 — **Советларга сайловлар**, 20.35 — **Киноочерк**, 21.05 — **Комсомол прожектори, порла!** 21.35 — **Гусар қиссаси** номли бадиий фильм.

САҲНАЛАРДА

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 8/III да **Гулсара**, 9/III да **Фауст**.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 8/III да **Олов** (билетлар сотилган) 9/III да **Тобутдан товуш**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 8/III да **Ғазал фожиаси**, 9/III да **Кимга тўй, кимга аза**.

КИНО

Сен етим эмассан — «**Ватан**» (неч соат 6 ва 9.45 минутда).

Кўприк кўтарилганда — «**МИР**» (кундуз ва кечқурун).

Хуана Гальо — «**ВАТАН**», «**ИСКРА**», «**КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ**», «**ЎЗБЕКИСТОН**», «**СПУТНИК**», «**ВОСТОК**» (кундуз ва кечқурун).

Оддий воқеа — «**МИР**» (кундуз соат 4 да).

Аннушка — «**ВАТАН**» (эрталаб соат 10 да).

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси.

Р.06755. ИНДЕКС 64695 А.— 1545.